

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“Психология” кафедраси

Жўраев Тошпўлат

Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма

«Ўсмирларда интеллект динамикаси»

Термиз – 2013

“Ўсмирларда интеллект динамикаси” қўлланмасида ўсмир ўқувчиларнинг интеллект хусусиятлари, тараққиёт омиллари, тадқиқот методикалари баёни ўз ифодасини топган.

Қўлланманинг биринчи боби ўсмирлар психологияси, интеллекти динамикаси бўйича психологларнинг шахсий қарашлари, уни ўлчаш мезонларига бағишланган. Иккинчи бобда интеллект тараққиёт босқичлари кўрсатилган. Учинчи бобда ўсмир ўқувчилар интеллектининг ривожланишига таъсир эттирувчи психологик омиллар таҳлили ва талқини мужассамлашган.

Ўқув қўлланма педагогика институтлари ва университетларининг талабаларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Психология фанлари доктори, профессор Э. Ғозиев

Тақризчилар: ЎзМУ доценти, психология фанлари номзоди Л. Турсунов; ТДПУ доценти, психология фанлари доценти Н. Ҳалилова

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган туб ўзгаришлар, янгиланишлар инсон интеллекти муаммосини янада чуқурроқ ва изчил равишда тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон халқининг ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатга киришуви ҳар жиҳатдан етук ёшларни камол топтириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ҳозирги даврда фан ва техникани юксак даражада эгаллаш ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари таълим стандарти даражасига яқинлаштириш учун интеллект кўрсаткичи юқори ҳамда мустақил, ижодий фикрловчи ўқувларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, Миллий истиқлол ғояси ўрта мактаб ўқувчилари олдида улкан вазифалар қўйилади, уларнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун эса умуминсоний ва миллий маънавият ҳамда қадриятлардан унумли фойдаланиш, уларни янги техника, технология, педагогик интерфаол усуллар билан қуроллантириш лозим. Ўқитувчилар, ота – оналар, таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилган мураккаб вазифалар давлат аҳамиятига эга бўлиб, уларни амалиётга жорий этиш орқали таълим ва тарбия технологиясини такомиллаштиришни, таҳсил олишнинг давлат стандартини ихчамлаштиришни, такомиллаштиришни юзага келтириш мумкин. Ўқувчилар шахсининг камолотида жисмоний, маънавий – ахлоқий ва ақлий интеллектуал етукликнинг таркибларига алоҳида эътибор бериш жоиз.

“Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир” [1,6] Шундай экан, “... мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш”[4,46] давр талабидир.

Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” моҳиятини эркин фикрловчи, ижодий изланувчи шахс ташкил қилади. Эркин, мустақил,

мустақил фикрловчи шахс халқ хўжалигининг барча соҳаларида муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва мақсадга мувофиқ равишда иштирок этиш имкониятига мушарраф бўлади. Шунинг учун билим олиш, касбий тайёргарлик таълимнинг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланмиш ўқувчилардан мустақил фикр юритишни ва фаолликни тақозо қилади. “Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковот бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини кадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт – шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир”[5,278]. Модомики шундай экан, аксарият билимлар тизими мустақил равишда бирламчи манбалардан, компьютер техникаси ва интернет ёрдами билан эгалланиши лозим. Бунинг учун эса ўқувчилар интеллектуал жиҳатдан баркамол бўлишлари шарт. Ўқувчилар ҳам ижтимоий – гуманитар, ҳам табиий – математик фанлар асосларини бир текис эгаллагандагина эзгу ниятга эришиш мумкин.

Комилликка эришишнинг жисмоний, маънавий – ахлоқий таркибларини мактаб ўқувчилари томонидан эгаллаш интеллектуал даражага етишдан осонроқ кечади. Шунинг учун ақлий (интеллектуал) тараққиёт махсус таъсир ўтказишни ва янги педагогик технологиядан фойдаланишни талаб этади. Билимларни ўзлаштириш айнан интеллектуал камолотни англатмайди, балки унинг бир мезони вазифасини бажаради, холос. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларни таълим жараёнида ва ундан ташқари пайтларда ҳам интеллектуал ривожлантириш, уларни махсус таълимий усулларга ўргатиш, омилкор йўллар билан таълимий муаммоларни ечишга, эркин фикр юритишга, мустақил, ижодий изланишларни амалга оширишга тайёрлаш лозим. Интеллектуал ривожлантиришга бағишланган Л. С. Виготский, Н. А. Менчинская, Дж. Брунер, П. Я. Гальперин, А. М. Матюшкин, Т. В. Кудрявцев, В. А. Токарева, Э. Ғозиев, Р. И. Суннатова, В. М. Каримова каби психологларнинг турли – туман назариялари мавжуд бўлиб, улар ҳар хил

мезонларга, кўрсаткичларга асосланади. Бизнингча, ўсмирларни комил инсон қилиб шакллантириш учун энг аввало уларни нителлектуал жихатдан юксак даражаларга эришишлари учун ҳам моддий, ҳам маънавий пухта негиз ҳозирлаш лозим.

Ушбу ўқув қўлланмасига киритилган психологик муаммонинг долзарблиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1. Ўсмирлик ёш даври ўзининг жадал ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал ривож билан онтогенез психологиясининг бошқа босқичларидан ажралиб туради.

2. Ушбу тараққиёт палласи ижтимоийлашувнинг ўзагини ташкил қилади.

3. Ўсмирликда эътиқод, илмий дунёқараш, шахсий нуқтаи назар тезкорлик билан шаклланиш имкониятига эга.

4. Маънавият, этнопсихологик хусусиятлар таркиб топиши учун сензитив (қулай) давр бўлиб ҳисобланади.

5. Ўзини ўзи англаш, иззатталаблик, касбга мойиллик, фанларга нисбатан дифференциал муносабат пайдо бўлишининг муҳим даври эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Биринчи боб.
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ НАЗАРИЙ –
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Психология фанида ақлий тараққиёт, ақл, интеллект муаммосига турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар моҳият жиҳатидан битта илмий категориянинг ҳар хил мезонлар билан ўлчашда ўз ифодасини топади. Қуйида уларнинг ҳар қайсисига мукамал тўхталиб, ҳам назарий, ҳам амалий жабҳалари психологик жиҳатдан изоҳлаб берилади. Интеллектуал тараққиётнинг илмий – назарий ва методологик моҳиятини очиш учун уларнинг қуйидаги томонларига алоҳида эътибор қиламиз:

- 1) жаҳон психологияси фанида интеллектуал тараққиёт муаммосининг ўрганилиши;
- 2) фикран кўчиш ҳолати психологик муаммо сифатида;
- 3) мамлакатимиз психологларининг асарларида интеллектуал тараққиёт масаласининг тадқиқ этилиши;
- 4) интеллектуал тараққиётни тадқиқот этиш тамойиллари, босқичлари ва методлари.

1. Узоқ хориж мамлакатлари психологиясида интеллектнинг
ўрганилиши

Интеллектуал тараққиёт жуда кўп психологларни қизиқтирадиган муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу муаммо устида жуда қизиқарли тадқиқотлар олиб борилган бўлса – да, бироқ унга ҳар хил йўналишдан туриб ёндашилган. Шуларни назарда тутиб, бу тўғрида умумий нуқтаи назар, умумий мезон юзасидан мулоҳаза юритиш мумкин эмас. Шунингдек, интеллектуал тараққиётнинг таркибий қисмлари бўйича ҳам шундай фикрларни билдириш ўринлидир.

Инсоннинг интеллектуал тараққиётни ўрганиш муаммоси қадимги замонлардаёқ, жуда кўп соҳаларнинг билимдонлари эътиборини ўзига тортган. Ҳатто, антик давр файласуфлари ҳам бу муаммога жиддий ёндашганлар. Уларнинг қарашларига кўра, “интеллект” термини ўзида латинча “нус” (“ақл”) тушунчасини ифодалайди. Антик даврнинг Платон ва Аристотель сингари файласуфлари “нус”, яъни “ақл” одам руҳининг олий, ўзига хос ақлли бўлаги бўлиб, олами билишнинг энг мақбул йўли деб ҳисолашади.

Ижтимоий тараққиётнинг ўрта асрларга келиб, “интеллект” терминининг мазмуни янада бойиди. Масалан, схоластикада илоҳий интеллект тушунчаси ўрганила бошланди, бу термин билан олий билиш қобилиятларини тушунтиришга ҳаракат қилинди. Машҳур файласуф И. Кант назариясига биноан, “интеллект” (немисча - *verstand*) – бу биздаги мавжуд тузилишни билиш қобилиятидир, ақл (немисча – *vernunft*) эса метафизик, ғоялар тузилишини билиш қобилиятидир”[15,167].

Интеллектнинг моҳияти ва тараққиётини тушунтиришда қадимданок турли оқимлар юзага келганлигига қарамай, улар маълум бир фикрлар асосида бирлашганлар ва баҳслашганлар.

Интеллект моҳиятини тушунтиришда фан оламида икки хил ёндашув вужудга келган:

1. Биринчи гуруҳ вакиллариининг қарашларича, интеллектуал хусусиятлар одамга табиий равишда (ҳолда) наслий йўл билан ота – оналари томонидан берилади. Одам онасидан ақлли ёки ақли заиф бўлиб туғилади.

2. Иккинчи гуруҳ намояндалари эса интеллектни бола идрокининг тезлиги ва ташқи қўзғатувчиларга нисбатан бўлган муносабати билан боғлаб тушунтирганлар[27,117].

Ақлий заковот ва руҳий – маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир. Шундай экан, инсоннинг интеллектуал тараққиётни тадқиқ этиш учун сира кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни олиб бориш

мақсадга мувофиқ. Интеллект муаммоси чет эл психологиясида ҳам, рус психологиясида ҳам энг кўп ўрганилаётган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Интеллектнинг моҳиятини ёритиш юзасидан турлича ёндашилса – да, бироқ умумий мақсад инсоннинг интеллектуал тараққиётни очиқ беришдан иборатдир.

Интеллект тушунчасини рус психологлари ақлий истёдод ёки қобилият деб юритишади. Чет эл психологиясида қобилиятни миқдор жиҳатдан ўлчаш ҳамда уни тавсифлаб бериш учун интеллект тушунчаси киритилган. Ўз даврининг йирик психологлари бўлган Р. Б. Кэттелл, Л. Термин, Ч. Спирмен ва бошқалар XX асрнинг бошларидаёқ инсон қобилияти даражасини ўлчаш учун турли хусусиятли интеллектуал тестларни яратганлар. Бундан кузатилган асосий мақсад турли ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш ёки касбга яроқлилигини, лаёқатлилигини аниқлашдан иборатдир.

Ижтимоий – тарихий тараққиётнинг XIX аср охирларига келиб, психология фанида интеллектни ўрганишга алоҳида эътибор берила бошланди. Француз психологи А. Бинэ интеллектни тадқиқ қилиш бўйича дастлабки қадамни қўйди. Т. Симон билан биргаликда болалар интеллекти ривожланишининг даражасини тадқиқ қилувчи тестларни ишлаб чиқдилар. Улар ўз изланишларига асос қилиб, ўша даврда ҳукмрон мавқега эга бўлган функционал психологик назарияни қўллашган бўлиб, унда психик ривожланиш бир неча туғма функциялар ривожланишининг натижасида юз беради, деган фикр устуворлик қиларди. Мана шу назарияга амал қилган ҳолда, у шундай масалаларни танладики, бунда боланинг илгариги билимлари ва кўникмаларини қўллаш имконияти камайтирилди. “Ҳар бир ёш даври учун шундай тестлар сериясини тузиш керакки, унинг ечилиши фақат шу даврга тааллуқли бўлсин. Тест мактаб билимларидан мустақил бўлиши керак, шунда боланинг ҳақиқатдан ҳам интеллектуал ривожланиш даражаси текширилади”, - деб ёзган эди А. Бинэ. Бола интеллекти ҳар қандай масала

ечиш жараёнида ривожланади деган ғоядан келиб чиққан ҳолда у тест топшириқларини назарий жиҳатдан асослаш шарт эмас, деб ҳисоблайди.

XX асрнинг бошларига келиб, интеллектни тадқиқ қилиш ҳақидаги А. Бинэ ва Т. Симон таълимотлари жаҳонда кенг қулоч ёйди. Кўпгина мамлакатларда уларнинг тарафдорлари пайдо бўлди. А. Бинэ ва Т. Симонлардан кейин бир қатор бошқа кўринишдаги тестлар тизими ҳамда мазкур муаллифлар тестларининг модификациялари вужудга келди. Улар ичида америкалик психолог Л. Термен томонидан ишлаб чиқилган модификация алоҳида аҳамиятга эга. У ўз ишларида Ф. Гальтоннинг ақлий қобилиятни генетик жиҳатдан шартланганлик ҳақидаги назариясига кўпроқ мурожаат қилди.

Хилма – хил кўринишдаги тестлар тизимининг пайдо бўлиши ва қатор тестларнинг кўп сонли модификацияларининг ишлаб чиқилиши натижасида янги – янги йўналишдаги тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Худди шу сабабдан XX асрнинг 20 – йилларида тестга оид тадқиқотлар бутун дунёга кенг тарқалди, натижада стандартлаштирилган тестлар ўқувчиларнинг қобилиятларига асосланган ҳолда, саралашда катта ёрдам бера бошлади.

1921 йилда “Психология таълими” журнали саҳифаларида Американинг йирик психологлари томонидан уюштирилган баҳс – мунозаралари босилиб чиқди. Уларнинг ҳар биридан интеллектни тушунтириш ва уни тадқиқ қилишнинг энг самарадор усули сўралганда, бунда деярли барча олимлар тест тадқиқотларини энг мақбул усул деб баҳоладилар, ваҳоланки, уларнинг интеллект ҳақидаги тушунчалари бир – бирини инкор қилар эди. Масалан, “Интеллект мавҳум тафаккурга - қобилиятлиликдир” (Л. Термен), “... билимларнинг муносабатлиги ва уларнинг атроф – муҳитга мослашишдаги кўмаги” (Э. Торндайк), “... нерв системасининг модификацияларига бўлган асосий қобилияти” (Р. Пинтнер), “... ўзлаштиришга нисбатан қобилият” (Х. Вудворжс) ва бошқалар”[96,170].

XX асрнинг бошларига келиб, интеллект тузилишини аниқлашга кўп олимлар диққат – эътиборларини қаратдилар. Машҳур америкалик олим Ч. Спирмен (1904) индивиднинг хулқ – атворидан келиб чиққан ҳолда интеллектнинг аллақандай “бош” омилини ажратиб кўрсатди ҳамда уни G омил деб атади. Унинг фикрича, арифметик масалани ечишда, биронта чет тилини ўрганиш жараёнида ёки машина двигателини таъмирлашда одамнинг мияси ҳеч қачон бир хилда ишламайди. Айрим кишиларда умумий интеллект даражаси бошқаларники билан тенг бўлиши билан бирга, айрим фаолият турларини бажаришда яққол устунлик сезилади. Шу боисдан ҳам Спирмен G омилга қўшимча қилиб, S омилни ҳам киритади ва уни махсус қобилиятнинг кўрсаткичи деб атайди. Спирменнинг назариясига биноан, ҳар бир киши умумий интеллектнинг муайян даражасини ўзида характерлайди, бу эса унинг ташқи муҳит билан бўлган муносабатига боғлиқдир. Спирменнинг фикрича, ҳар бир одамда махсус қобилиятни ривожлантиришнинг турли даражалари мавжуд бўлиб, улар аниқ масалани ечиш жараёнида кўзга ташланади.

Спирмендан бошқа бир қатор олимлар ҳам интеллектнинг тузилишини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Масалан, америкалик таниқли психолог Ф. Фримен, интеллект олти та таркибий қисмдан иборат, деган ғояни илгари суради ва уларни кўрсатиб, изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилади;

1. Сонли операцияларга қобилиятлилиқ.
2. Луғат бойлиги.
3. Геометрик шакллар орасидаги ўхшашлиқ.
4. Нутқнинг тезлиги.
5. Фикрлашга қобилиятлилиқ.
6. Хотира [97,83].

Машҳур оли Терстоун (1938 йил) эса статистик методлар ёрдами билан умумий интеллектнинг турли хил томонларини тадқиқ қилади ҳамда уларни

умумлаштириб, бирламчи ақлий имкониятлар деб атайди ва 7 хил имкониятларни фарқлаб кўрсатади:

1. Ҳисоблаш қобилияти.
2. Оғзаки вербал ихчамлик (эгилувчанлик), нутқ орқали тез ўқиш.
3. Оғзаки маълумотларни (идрок) қилиш ёки сўзларни тушуниш.
4. Фазовий операция ёки чамалаш қобилияти.
5. Хотира.
6. Фикрлаш (мунозара)га қобилиятлилиқ.
7. Идрок қилишнинг тезлиги [30,24].

Таниқли психологлардан Р. Б. Кэттелл ва Ж. Хормлар эса интеллектни иккита таркибий қисмга ажратадилар:

1. Флуидлашган интеллект.
2. Кристаллашган интеллект.

Флуидлашган интеллект – инсон фаолиятининг доимий йўлдоши бўлиб, у илк ёшлиқ даврида ёрқинроқ кўринади, кейинчалик эса сўниб боради. Флуидлашган интеллект таркиби наслдан – наслга мерос бўлиб ўтади.

“Кристаллашган” интеллект эса ҳаёт давомида, онтогенезда, орттирилган кўникмалардан ташкил топади [97,193].

Француз психологи Ш. Бюллернинг фикрича, интеллект тараққиёти куйидаги босқичларга асосланади;

- а) синкретизм (тушунчаларни бир – биридан ажрата олмаслик);
- б) агглютинизм (мактаб ёшига яқин болаларда фантазиянинг кучайиши, вақтни нотўғри идрок қилиш, ҳар бир образларни яхлитлаштириш);
- в) реализм;
- г) хаёлот (масалан, ижодий ҳаёл ёрдамида инсоннинг ўзи туғилиб ўсган Ватанига бирор жиҳатдан ёрдам бериши).

Француз мактабининг намояндалари шахс пайдо бўлишининг дастлабки белгиларини, уларда юзага келган аффектив имо – ишоралар, вербал маъно касб этувчи ҳолатлар билан боғлайдилар. Инсон шахсининг шаклланиши

дастлабки инстинктлар ва шартли рефлекслар орқали амалга оширилади. Инсондаги қониқиш, мароқланиш, руҳланиш каби руҳий кечинмалар шахснинг шаклланишини белгиловчи асосий мезонлар ҳисобланади. Француз психологларининг фикрича, ҳиссий ҳолатлар инсоннинг интеллектуал тараққиётини белгиловчи асосий мезондир. Улар интеллектуал тараққиётни:

- а) спонтан (фавқулодда пайдо бўлувчи);
- б) импульсив (ички);
- в) имитация (ташқи тақлид) ҳолатлари билан боғлаб тушунтирадilar.

Шу илмий – психологик мактабнинг яна бир вакили Леви – Брюль инсоннинг интеллектуал тараққиёти даврларини белгилашга ҳаракат қилган, яъни:

- а) нутққача бўлган давр;
- б) нутқ даври;
- в) синретизм даври;
- г) перцепция даври;
- д) парцисипация даври;
- е) трансдукция даври.

Швецариялик психолог Жан Пиаже “Интеллект психологияси” асарида интеллект муаммосини таҳлил қилишда ўзига хос йўл тутди. У интеллект функциялари ҳамда унинг даврлари таълимотидан иборат назарияни яратади. Уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш)ни интеллектнинг асосий вазифалари ҳисобланиб, улар интеллектнинг функционал инвариантлиги деб таъкидлайди. Интеллект фаолиятининг тартиблилиги деганда субъектнинг интеллектуал фаоллик кўрсатиш жараёнида яхлит ҳолатнинг ва унга кировчи бошқа белгиларнинг, шунингдек, уларни барчасининг ўзаро муносабатларини ажрата олиш тушунилади.

Интеллектнинг адаптация (мослашаш) функцияси, ўз навбатида, ассимиляция ва аккомодация жараёнларидан тузилади. Ушбу назарияга кўра,

ассимиляция деганда, идрок қилиш мумкин бўлган объект тўғрисидаги тавсифларни тинглаш англанилади.. аккомодация – билишга интилувчи субъектнинг моддий борлиқ талабларига мослашиш жараёнидир.

У муайян даврга алоқадор муддат оралиғида субъектнинг маълум даражада тажрибага эга бўлишни билиш тузилиши деб атайди. Ушбу назарияга биноан, интеллект ҳукм суришининг муҳит хусусиятларидан бири – ташқи оламдан қабул қилинаётган ахборотлар моҳиятининг барчаси инсон томонидан ўзлаштирилмаслиги (ассимиляция ҳодисаси), шунингдек, индивиднинг ички билиш тузилиши билан ахборот моҳиятининг мослигидан иборатдир.

Интеллект ҳукм суришининг муҳим томонларини очиб беришда Ж.Пиаже “схема” терминидан кўпинча фойдаланади. Унигча, схема-бу билиш тузилишидан иборат бўлиб, бир-бирига ўхшаш хатти-ҳаракатлар кетма-кетлиги хусусияти билан бир гуруҳга бирлашиш ва яхлитлик билан ўзаро пухта алоқани ифодалашни акс эттиришдир.

Тадқиқотчи интеллект тараққиётининг ички қонуниятларини очиш мақсадида ассимиляция ва аккомодация “мувозанати” масаласини ўрганади. Ўзаро муносабатни мувозанатга келтириш баъзан оқилона, гоҳо аксинча натижалар бериши туфайли гоҳ кўтарилиши гоҳо тушиши қайд қилинади.

Ж.Пиаже “интеллект давлари” таълимоти уни қўйидаги ривожланиш палаларига ажратади:

- 1.Сенсоётр интеллекте (тўғилгандан то 2 ёшгача).
- 2.Операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 11 ёшгача).
- 3.Анқ операциялар даври 7-8 ёшдан 11-12 ёшгача.
- 4.Расмий (формал) операциялар даври.

У интеллектнинг ўсиши, болада нутқ пайдо бўлишидан илгари бошланади, деб ҳисоблайди. Интеллектнинг дастлабки кўринишлари боланинг илк тартибсиз хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Кейинчалик

мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш натижасида ва таҳлил қилиш ёрдамида интеллектнинг генетик илдизини ўрганишга имконият яратади.

Расмий операциялар даврида тавсиф берилганда эса, предметлар билан тобора алоқа йўқола бориши қайд қилинади. Интеллектнинг ўсиши инсон операциялар билан қуролланишдан иборат эканлиги айтиб ўтилади.[72,289].

Интеллект муаммосини ёритишга Америка психологлари ҳам жиддий ёндашишган. Бироқ бу муаммони ҳал этишда улар бошқачароқ йўл тутишади, яъни асосан интеллектнинг қўйидагиларга боғлиқлиги таъкидланади:

- а) ёшга;
- б) жинсга, дунёга келиш тартибига;
- в) этнос, миллат, элатларга;
- г) оиланинг ижтимоий-иқтисодий статусига;
- д) ота-онанинг маълумотлилигига.

Интеллект муаммоси чет эл психологиясида жуда кенг ўрганилган ва ҳозирги кунда ҳам ўрганилмоқда. Лекин биз ўсмир ўқувчилар доирасида мулоҳаза юритишимиз учун таҳлил қилиш имконияти туфайли уларнинг айримларига тўхталиб ўтдик, холос. Кейинги параграфларда ушбу муаммонинг рус олимлари томонидан талқин қилинишининг илмий-назарий таҳлил этамиз.

Интеллектнинг рус психологлари томонидан тадқиқ қилиниши.

Бу муаммо нафақат узоқ хориж элларда, балки яқин хориж мамлакатлари, жумладан, Россиянинг етакчи психологлари томонидан ҳам тадқиқ қилинган, ҳозирги даврда ҳам бу муаммо жиддий ўрганилмоқда. Биз ишимизнинг назарий қисмида бу тўғрида батафсилароқ фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Муаммони ўрганишда қатор психологик концепциялар вужудга келдики, уларнинг ҳар бирида интеллект тушунчаси турлича талқин қилинади:

- муаммоларни очиш услуги ва стратегияси;
- ақлий операциялар тизими;
- вазиятларга алоҳида (индивидуал) ёндашишнинг самарадорлиги, бундай ёндашишнинг билиш жараёнида фаолликни талаб қилиши;
- когнитив услуб ва бошқалар [15,142].

Мазкур муаммони ўрганишда қатор МДХ мамлакатлари олимларидан Б.Г. Ананьев, М.К. Акимов, Э.А. Голубева, Н.С. Лейтес, В. Н. Мясисhev, Л. С. Виготский, Б. М. Типлов, Л. С. Рубинштейн, Н. А. Менчинская, Е. Н. Кабанова – Меллер, П. Я. Гальперин, Д. И. Фельдштейн каби олимлар муайян ҳисса қўшганлар.

Л. С. Виготский таълим ва тараққиёт масаласига катта ҳисса қўшган. У масаланинг ижтимоий – тарихий аспектини илгари суриб, билимларни ўзлаштириш инсониятнинг тарихий тараққиётида яратилган маданиятда иштирок этиш жараёнидир, деган фикрни ифодалайди. У олға сурган психик функциялар тараққиётининг маданий – тарихий назариясига кўра, психик фаолият тараққиёти унинг “табiiй” шаклини бевосита қайта қурган ҳолда, турли аломатлар аввал ташқи, сўнг ички ифодаланишини назарда тутиб, “маданий” шаклини эгаллаш тушунилади. Унинг фикрича, психик жараёнларни бевосита ифодаловчи сўз хоҳ ташқи, хоҳ ички кўринишида бўлмасин, турли хил аломатлар ичида кўринарли жой эгаллайди. Аломатларни эгаллаш психик функцияларни сифат жиҳатдан қайта қуриш кераклигини, сифат бўйича мутлақо бошқа, янги тараққиёт босқичи эканлигини билдиради.

Унинг психологияга киритган “психик тараққиётнинг энг яқин зонаси” тушунчаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боланинг мустақил фаолияти катталар билан ҳамкорликда, уларнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилади. “Психик тараққиётнинг энг яқин зонаси” тушунчаси “таълим

тараққиётдан олдинда боради” деган умумий формуланинг яққол мазмунини тушуниш учун имконият яратади. Э. Торндайк ва Ж. Пиаженинг таълим билан тараққиётни айнан бир нарса деб тушунтиришига қариши Л. С. Виготский ушбу фикрни билдиради: “Бола тараққиётини ҳеч вақт мактаб таълимидан ташқаридаги соя деб ҳисоблаш мумкин эмас...”[23,452].

Ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиёти даражасини аниқлашда Л. С. Виготский билан В. Р. Сахаров ҳамкорликда яратган методикаси муҳим аҳамиятга эга. Улар геометрик шаклларни туркумлашда ушбу методдан фойдаланганлар. Геометрик шакллар цилиндр, призма, тўртбурчак, учбурчаклардан иборат бўлиб, турли ҳажмда ва ҳар хил рангда ифодаланган. Улар ўзларининг ташхис методларини “сунъий тушунчалар”ни шакллантириш методи деб атаганлар. Шакллар фазода турлича жойлаштирилган ва бир неча қатордан иборат бўлган. Уларнинг баландлиги 10 см ва 5 см бўлиб, “сунъий тушунчалар” ҳамда рақамлар билан алоҳида белгилаб қўйилган. Паст цилиндрлар 3 рақам билан белгиланиб, шаклнинг бир томонига “цев” деб ёзилган. Баланд бўйли цилиндрлар 3 рақам билан белгиланиб, “лаг” деб номланган. Баланд қиррали цилиндрлар 7 рақами билан белгиланиб, “гур” тушунчасидан иборат бўлган. Паст қиррали шакллар эса 8 рақами билан белгиланиб, “бик” “сунъий тушунча”си билан юритилган.

Уларнинг методи интеллектуал тараққиётнинг мезони ролини ўйнашга имконият яратиб берувчи туркумлаш устида фикр юритишни тақозо қилади. Рус психологи Б. Б. Блонский таълимнинг бола ақлий тараққиётидаги ролига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши тўғридан-тўғри мактаб дастури мазмунига боғлиқлигини таъкидлайди.

“Билимлар тафаккурни янада умумий ва мавҳум қилиш билан бир қаторда уни янада яқоллаштиради. Бу эса тафаккурни янада интизомли, янада хатолардан сақланадиган қилади” деб тушунтиради. Таълимда тафаккурнинг бир вақтнинг ўзида икки йўналишга қараб, яъни мавҳумдан янада мавҳумроққа, яққолдан янада яққолароқ ҳолатга ўсиб ўтишини

муаллиф кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, таълим жараёнида болалар маълум коида асосида ишлашга одатланадилар. Таълим таъсири натижасида ўқувчиларда ўзининг ақлий фаолиятини ўзи назорат қилиш ҳолати юзага келади. Ўқувчиларнинг ўзини – ўзи назорат қилиши тўрт босқичдан таркиб топади. Биринчи босқич ўз – ўзини назорат қилишнинг мавжуд эмаслиги билан тавсифланади. Ўқувчи дарсда жавоб беришга тайёр эканлигини билдиради, аслида эса у ўзини синаб кўрмаган ва дарсни мутлақо ўзлаштирмаган бўлади. Иккинчи босқичда ўқувчи материални сидирғасига такрорлаш асосида ўзини текширади, шунинг учун бу босқич ўз – ўзини тўлиқ назорат қилиш босқичи деб аталади. Учинчи босқич “танлаб назорат қилиш босқичи” деб аталиб, унда ўқувчи материалнинг асосий қисмини идрок қила олишини текширган бўлади. Сўнгги тўртинчи босқичда ўзини ўзи назорат қилиш яна мавжуд бўлмайди, чунки унинг катта ўқув тажрибасига эга бўлишига қарамай, натижаларни бир неча асосий белгиларига қарабгина мулоҳаза юритиши кўзга ташланади[17,281].

Машҳур психолог С. Л. Рубинштейн назариясига кўра, умумлаштириш ва ақлий ҳаракатларни фикран кўчириш ҳолати ўқувчиларнинг интеллектуал тарққиётини белгиловчи мезон ролида ишлатилиши назарда тутилади. Муаллифнинг фикрича, ҳамда унинг методи бўйича бу фаолият амалга оширилади.

С. Л. Рубинштейн таълимда тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш)нинг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида назарий ва амалий хусусиятга эга бўлган фикрларни билдиради. Таълимда тафаккур операцияларининг роли масаласининг ёритилиши муҳим аҳамиятга эга. Автор таълимда умумлаштиришнинг уч тури мавжудлигини таъкидлайди: эмпирик, назарий ҳамда дедуктив умумлаштиришлар. Бу умумлаштиришлар ёрдамида иш тутилса, унинг мулоҳазасига кўра, топшириқ ё аста-секин (эмпирик) ёки “бирданига” (назарий) ҳал қилиниши мумкин.

Муаллиф мавҳум тафаккурнинг ривожланиши асосан математика, табиий соҳадаги фанлар зиммасига тушишини уқтиради. Мавҳум тафаккурни ривожлантирувчи бирдан-бир йўл муаммоли вазият эканлигини таъкидлайди. Маълумки муаммоли вазият мавҳум тафаккурни ўстирибгина қолмай, балки ижодий тафаккурни ҳам тараққий қилдириши мумкин.

Интеллектуал тараққиёт масаласи учун Н. С. Лейтес тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади. У ақл сифатларини ўз ичига қамраб олувчи умумий ақлий қобилиятлар одамнинг назарий билими ва ақлий фаолиятидаги имкониятларини тавсифлаб берувчи омил деб таъкидлайди. Теварак – атрофни қуршаб олган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички боғланиш ва муносабатлари акс эттириш ҳамда воқеликни ижодий равишда қайта ўзгартириш имкони интеллекти учун асосий омил дейилади. Муаммонинг генитек негизини эътиборга олган Н. Л. Лейтес олий нерв фаолияти хусусиятларида айрим шарт-шароитлар яширинган бўлишини, булар умумий ақлий қобилиятларни таркиб топтиришнинг муҳим ички шарти эканлигини асослаб беради.

В. А. Крутецкий ўқувчилар интеллектуал тараққиётида тафаккурнинг мустақиллигини фаоллаштириш масаласига тўхталади. Бу мақсадни амалга ошириш учун янги ўқув материални эвристик характерда берилиши назарда тутилади. Муаммоли эвристек усул орқали ўқитиш ташкил қилинса, у ҳолда қуйидаги босқичларни босиб ўтиш шарт эканлиги кўрсатилади:

а) ўқитувчи муаммо ва унинг таърифланишини кўрсатиб ўтади, ўқувчи эса уни ҳал қилишнинг мустақил йўл-йўриқларини қидиради;

б) ўқитувчи муаммони ўқувчига мустақил равишда таърифлаш вазифасини қўяди;

в) педагог муаммони ўқувчиларга ҳал қилишга, таърифлашга, ечиш усуллари қидириб топишга ёрдам беради. Бу йўлни у ақлий ўсишга ёрдам берувчи асосий йўналиш деб ҳисоблайди.

Н. А. Менчинская мактаб ўқувчиларининг интеллектуал тараққиётини аниқлаш жараёнида уларнинг мавжуд билимларини ва билимларни амалда қўллаш даражасини ҳамда мантикий фикр юритиш ҳолатини белгилашга ҳаракат қилади. Муаллиф шу аснода ўзлаштириш суръатига, яққол ва мавҳум тафаккурнинг алоқасига, аналитик-синтетик фаолият босқичига аҳамият беради. Бунда тадқиқотчи учун энг муҳими бу ўқувчилар фикрини хусусийдан умумий мулоҳазага айлантириш имконияти ҳисобланади. Н. А. Менчинскаянинг фикрича, интеллектуал тараққиёт мезонини ишлаб чиқаришда ўқувчиларнинг интеллектуал билиш фаолияти доирасида судралиб юриш мумкин эмасдир. Шунинг учун интеллектуал тараққиёт ўз ичига уларнинг ўқишга муносабати, ўқиш мотивлари, билишга қизиқиш масалаларини қамраб олиши керак. Бунда билимларнинг мазмунига қизиқиш, уларни ўзлаштириб олиш усуллари ва бу усулларни янги топширик ечимига татбиқ қилиш тўғрисидаги фикрлар назарда тутилади. Унингча, мазкур муаммода ўқувчиларнинг шахсий қарашини шакллантириш, уларни мустақил баҳолаши, илмий дунёқараши ва эътиқоди сингари кенг қўламдаги масалаларни таркиб топтириш зарурияти вужудга келди.

Л. В. Занков назариясига биноан, кузатишнинг ўзи интеллектуал тараққиётнинг кўрсаткичи бўлиб, унинг фаоллиги, кўп қирралилиги ва ақлий чамалаш ёки режалаштириш каби сифатлари хизмат қилади. Муаллиф фикрича, юқорида қайд қилиб ўтилган сифатлар қуйидаги топшириқни бажаришда ўз ифодасини топган. Масалан, қора қарғанинг ташқи кўринишига асосланиб (унинг тулупига таянган ҳолда), ўқувчиларга таниш бўлмаган маймунжон ўсимлигининг ташқи кўринишини (гербарий ёрдамида) таърифлаб бериш каби фаолиятни ўз ичига қамраб олади. Л. В. Занков кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур тараққиётини мураккаб тузилишга эга бўлган фикр юритиш операцияларини вужудга келтириш ҳолати билан ўлчайди. Тафаккур тараққиётининг силжишини юзага чиқариш мақсадида Л. С. Виготский билан В. Р. Сахаровнинг методикаси ўзгартириб қўлланилади.

У кейинги тадқиқотларида интеллектуал тараққиёт масаласининг бошқачароқ кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг фикрича, интеллектуал тараққиёт кузатувчанликда, тафаккурда ва амалий иш фаолиятида кўринади. Тадқиқотчи кузатувчанликни ифодаловчи сифат тариқасида кузатиш олиб борганида фаолликни ошганлигини, унинг ҳар томонлама ва режали бўлишини таъкидлайди. Тафаккур таълим жараёнидаги мураккаб фикр юритиш операцияларининг юзага келишини, предметларни муқобил муҳокама қилишдан мукаммал ва чуқур муҳокама қилишга ўтишини, умумлаштиришнинг жуда кўп белгиларига асосланганлигини таъминлайди. Амалий ҳаракатларнинг ривожланганлигини ишлаш даражасининг самарадорлигида, уни режалаштиришда, режалаштириш билан ишларининг бажарилиш нисбатларида кўринади.

Е. Н. Кабанова – Меллер таққослаш, мавҳумлаштириш ва умумлаштириш каби фикр юритиш операцияларини таркиб топтириш ҳамда уларни янги шароит ёки вазиятга фикран ёки ҳаёлан кўчиришнинг натижасида ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётида силжиш вужудга келади, деган назарияни илгари суради. Бу масалани илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида мана бундай методлардан фойдаланиб иш юритади. Кичик ёшдаги ўсмирларда таққослаш усулини таркиб топтириш учун ҳам ички, ҳам ташқи шароитларни яратади.

Ўқувчилар геометрик шаклларни таққослаш орқали уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратишга ўрганадилар. Бу интеллектуал усулнинг ёрдами билан янги вазиятдаги топшириқларни ечишга муваффақ бўладилар.

У мавҳумлаш усулини таркиб топтириш мақсадида аввал харитадан Ангара ва Бий дарёларини топиб, сўнг уларни ўзаро таққослаб, сўнг улардан муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажратиш, ҳамда мавжуд хусусиятларни санаб ўтишни топширади. Ўқувчилар бу вазифани адо этгандан сўнг уларга номаълум бўлган Волга ва Мезань дарёлари тўғрисида

фикр юритиш топширилади. Кейинги топширикни бажариш жараёнида ўқувчилар мавҳумлаш усулини бевосита янги шароитда қўллаш укувиға эға бўладилар, яъни янги вазифада мавҳумлаштириш усулини ўқувчиларда таркиб топтириш учун Турон пасттекислиги билан шарқий Сибир пасттекислини такқослаш, таҳлил қилиш, мавҳумлаш ва муҳим белгиларға асосланган ҳолда уларни умумлаштириш лозимлигини уктиради. Бу топширик бажарилгандан сўнг, уларға нотаниш объектларни солиштириш ва уларға умумий таъриф бериш масаласи топширилади.

Е. Н. Кабанова – Меллер методи бўйича ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиёти учта мезон ёрдами билан аниқланади. 1). Таълим жараёнида шакллантирилган кўникма, малака ва ақлий фаолиятнинг янги шароитға (“предметлараро” қўлланишға) кўчиш масаласи. 2). Ўқувчиларда таркиб топган кўникма, малака ва ақлий фаолиятдан шахснинг ўз ақлий фаолиятини бевосита идора қилишға, бошқаришға ўтишдир. 3). Ташқи таъсир натижасида ўқувчиларнинг билишға қизиқиши қай даражада эканлигини ўрнатиш [41,66].

Н. Д. Левитов ўқувчилар интеллектуал тараққиётида таълимнинг ролини эътироф қилиб, у бу ривожланишни тафаккурда мустақиллик пайдо бўлишида, уларнинг ўқув материалларини тез ва пухта ўзлаштириб олишида, уларда ақлий топқирликда, таълим субъектларининг материал моҳиятиға чуқур кириб боришида, яъни ундаги муҳим белгиларни муҳим бўлмаган иккинчи даражали белгилардан ажрата билиш хусусиятида, ўсмирларда ақлнинг танқидийлиги хусусияти таркиб топишида, яъни асоссиз ҳукмларға нисбатан майлнинг ўзгаришида исботлаб беради.

Г. С. Костюк таълим жараёнида тараққиёт устида назорат уюштириш тўғрисида мулоҳаза юритиб ўқитувчининг диққати фақат ўқувчиларни ўзлаштирадиган материаллар мазмуни ва моҳиятиға қаратилмасдан, балки улар фаолиятининг муайян жараёнида ўзгаришиға, топшириқларни бажариш

усулларига, билиш фаолиятининг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтиш жараёнига йўналтирмоғи зарур, деб таъкидлаб ўтади.

Ю. А. Самарин интеллектуал тараққиёт масаласига ўзининг ассоциациялар концепцияси нуқтаи назаридан ёндашади. Унингча, интеллектуал тараққиёт кўрсаткичи тафаккурнинг тизимлилиги билан динамиклигининг кенгайишидан иборатдир. Динамиклик билимларни ва аввал вужудга келган ассоциацияларнинг янги шароитда қўлланишида ўз ифодасини топади. Ақлий фаолият оқилона усули (ўқув ишининг оқилона усуллари ва унинг режими)нинг такомиллашиши интеллектуал тарққиётнинг навбатдаги мезони намоён бўлади. Умумлашган ва дефферциалашган тизимнинг таркиб топиши ҳамда ўқув фаолияти оқилона усулнинг пайдо бўлиши каби интеллектуал тараққиётни таъминловчи шарт-шароитлар муаллиф томонидан киритилади. Турли фанлар юзасидан тўпланган билимлар ўртасида боғланишнинг шаклланиши Ю. А. Самарин учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу боғланиш “тизимлараро” боғланишни ўзида акс эттиради.

З. И. Калмикованинг фикрича, интеллектуал тараққиётни аниқлашда “босим” тушунчаси ўқувчиларда даставвал амалда ечиш учун мўлжалланади, сўнг улар олдида қўйиладиган вазифалар амалий ҳал қилишини тақозо этади. Муайян вазифани ҳал қилиш учта категория билан белгиланади: тўғри жавоб “5” балл, нотўғри жавоб “3” балл ва учинчи жавоб “0” балл.

Ушбу метод “босим” тушунчаси иккинчи бир йўл билан ечилишини талаб қилади. Вазифани сўз орқали ва фикран ҳал қилиш сўралади. Бунда вазифа тўлиқ мавҳум ва мавҳумроқ ҳамда аниқ ҳолда бўлиб, босим тўғрисидаги қонуниятни ифодалаш зарурлиги уқтирилади. З. И. Калмикованинг фикрича, “Тафаккурнинг сўз тежамкорлиги” мана шу тариқа юзага келади. Бу қисқача қилиб СЭМ (ТСТ-тафаккурнинг сўз тежамкорлиги) дейилади. Автор ўқувчилар муайян тафаккур ҳолатини ўлчаш учун И.

Лингард (Собиқ Чехословакия) томонидан қўлланилган формуладан фойдаланилади.

$$CЭМ(TCT) = \sum R_1 \sum R_2$$

$\sum R_1$ – баллнинг текширувчилар фикр юритиш асосида олинган якуни.
 $\sum R_{\max}$ - максимал ҳолда йиғилиши мумкин бўлган балларнинг имконияти [119,83].

З. И. Калмикова методини қўллаш натижасида мактаб ўқувчиларининг таълим жараёнида эришган интеллектуал тараққиёти даражасини аниқлаш имконияти яратилади.

В. И. Зикова эса ўз тадқиқотида бироз бошқачароқ методни қўллайди, лекин унинг назарий асоси З. И. Калмикованинг фикрига яқин туради. У “тафаккурнинг амалий тежамкорлиги” тўғрисида фикр юритиб, уни қисқача қилиб ПЭМ (ТАТ) деб атайди. В. И. Зикова ўз тадқиқотида қуйидаги формуладан фойдаланади.

$$ПЭМ(TAT) = \sum_{i=1}^n R_1 \cdot \sum_{j=1}^n R_2$$

n

n – масалини ечиш давомида йиғилган сон миқдори [119,85].

Муаллиф математика дарсларида ўқувчиларнинг интеллектуал тарққиётини юқоридаги методга асосланиб, бешта таркибга ажратади: 1) натижаларни яққол образли режада умумлаштириш; 2) натижаларни сўз – мантиқ хулоса чиқариш режада умумлаштириш; 3) умумлаштиришнинг кўрсаткичларини яққол – образли ва сўз мантиқ режасида ўзаро таққослаш; 4) хусусий ва умумий белгиларни солиштириш даражаларини аниқлаш; 5) “математик” нутқнинг ўсишини белгилаш кабилар.

Ҳозирги замон таълими Л. С. Виготский таъкидлаганидек, “Ўқувчининг ақлий ривожланишини ўз орқасидан етаклаб бориши керак”.

Худди шу сабабли бўлса керак, П. Я. Гальпериннинг ақлий ҳаракатларни босқичма – босқич таркиб топтириш назарияси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур назария Л. С. Виготский ва А. Н. Леонтьевларнинг интериоризация

ғоясидан келиб чиққан бўлиб, ташқи ҳаракатларни аста – секин ички, ақлий ҳаракатларга айланиш жараёни рўй беришини назарда тутди. П. Я. Гальперен ва унинг ходимлари тадқиқотларига кўра, даставвал ақлий ҳаракатни ориентирлаш асоси аниқланади ва у учта типга ажратилади. Ақлий ҳаракатларни ориентирлаш асосининг биринчи типи маҳсулот намуналаридан иборат бўлиб, ҳаракатни қай йўсинда бажариш тўғрисида кўрсатма беради. Синалувчилар “бузиб - тузатиш” йўли билан ўзича ҳаракат қилади.

Ақлий ҳаракатни ориентирлаш асосининг иккинчи типда эса берилаётган материалнинг ўзига хос хусусиятига оид ҳаракатларни қайси усул билан аниқ бажариш юзасидан йўл – йўриқ берилади. Ақлий ҳаракатни ориентирлаш асосининг учинчи типда топшириқни таҳлил қилишни режа асосида ўтказиш назарда тутилиб, уни тўғри бажариш шарт – шароитлари ажратиб кўрсатилади.

Учинчи типдан фойдаланиб иш тутилганда ақлий ҳаракатлар хатосиз янги шароитга кўчирилади.

Ақлий ҳаракатларни босқичма – босқич шакллантириш назариясига биноан, ориентирлаш асосининг типларини ўқувчи топшириқни бажаришдан олдин амалга оширади. У бевосита топшириқни бажаришга киришгандан кейин ҳаракатнинг моддий босқичи бошланади: унда ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларга тааллуқли тасвирий материаллар ёки уларнинг табиий шакли намойиш қилинади. Навбатдаги босқичда ақлий ҳаракатларнинг моддий намуналарга таянмаган ҳолда овоз чиқариб мулоҳаза юритиш босқичи бошланади. Нутқ воситасида мулоҳаза юритиш моддий ҳаракатнинг инъекоси тариқасида намоён бўлади. Ақлий ҳаракатларнинг кейинги босқичида овоз чиқариб мулоҳаза юритиш ички режага (ичда гапиришга) кўчишдан иборатдир. Ва ниҳоят, ақлий ҳаракатларнинг охирги босқичи ички нутқ воситаси билан ўзи учун “дилда” ҳаракат қилиш билан тавсифланади.

Охирги босқич мулоҳаза юритишнинг йиғиқлиги билан бошқа босқичлардан кескин ажралиб туради.

П. Я. Гальперин раҳбарлигида ўтказилган тадқиқот ўқувчилар интеллектини ўстириш имконини кўрсатмоқда.

Д. Б. Эльконин ва В. В. Давидов раҳбарлиги остида ўтказилган тажрибалар кичик ёшдаги ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш имкониятларини ўрганиш ва бу имкониятларни ишга солиш йўли – йўриқларини топишга асосланади. Уларнинг фикрича, махсус ташкил этилган таълим тизими натижасида ўқувчиларнинг мавҳум фикр юритиш даражаси янада кўтарилиши мумкин. Тажрибаларда назарий ва умумлаштирувчи характердаги билимларнинг берилиши, ўқувчиларга умумий қонуниятлардан аниқ кўринишларга ўтиш имконини яратмоқда, яъни умумий ҳоллардан хусусий ҳолларга ўтиш амалга оширилмоқда.

Д. Б. Эльконин ва В. В. Давидовларнинг таълимотида биринчи синфдан бошлаб миқдорларнинг умумий муносабатлари, хусусиятлари, миқдорлар ўртасидаги мунтазам боғланишлари ўқувчиларга ўргатилмоқда. Тил дарсларида ўқувчилар лингвистика қонуниятлари, белгилари билан танишмоқдалар, тилнинг хоссалари ва хусусиятларини ўзлаштирмоқдалар.

Т. В. Кудрявцев назарияси бўйича муаммоли вазиятни умумий ҳолда тушуниб етиш, уни таҳлил қилиш асосида муайян кўринишга келтириш, фараз (гепотеза) яратиш, вазиятни исботлаш, уни босқичма – босқич текшириб чиқиш ҳамда муаммонинг ечимининг тўғрилигини аниқлаш мақсадида текшириш жараёнларини ўз ичига қамраб олади.

Ушбу методикани соддалаштириш (кичик ёшдаги ўқувчига) ёки мураккаблаштириш (юқори синф ўқувчиси ҳамда талаба учун) орқали ишлатилса, турли ёшдаги шахсларнинг интеллектуал тараққиёти даражасини аниқлаш имконияти туғилади, лекин бу ҳолатнинг барчаси муаммоли вазият деб аталаверади.

Атоқли психологлардан Т. В. Корнилова ва Г. В. Парамей сўнгги йилларда чет эл адабиётларида юзага келган когнитив услублар ҳақидаги тасаввурларни таҳлил қилиб, қуйидагича хулоса чиқардилар: когнитив услубларни субъектнинг ҳаракати, фикрлаши, идрок қилиш усуллари сифатида ифодалаш мумкин. Бу усуллар турли вазиятларда билиш шарт бўлган маслаларни ечишнинг алоҳида мустаҳкам, шахсий хусусиятларини белгилайди (Г. Клаус, М. Петсольд).

И. В. Равич – Шербо эса когнитив усулларни билиш стратегиясининг мустаҳкам ўзига хос хусусияти сифатида, шахснинг хусусияти сифатида таърифлаган.

Психолог Я. А. Понамарёв ҳам инсон интеллектуал тараққиёти муаммосига жиддий ёндашган олим ҳисобланади. Уни кўпроқ интеллектнинг психологик механизмини очиб бериш муаммоси қизиқтирган ва бу борада қатор ижобий натижаларни қўлга киритган. Унинг фикрича, интеллектнинг психологик механизмини ҳаракатларнинг ички ва ташқи режалари (предметга оид ва моделга оид) ўртасидаги ўзаро алоқа ташкил қилади. Ҳаракатларнинг ички режаси (ҲИР) бу одамнинг онгли ва ақлли ҳаракатларидир, одам интеллектининг ҳайвон интеллектдан фарқловчи асосий томонидир. Я. А. Понамарёв ҲИР ривожланишининг 5 та босқичини кўрсатиб ўтади. У интеллект психологик механизмининг марказий таркибий қисми сифатида икки бир – бирига кириша оладиган муҳитларни (мантиқий ва интуитив) киритган.

Юқори қирра – мантиқий чегара, вазиятни объектив баҳолаш.

Пастки қирра – интуитив чегара, вазиятни субъектив баҳолаш.

Интуиция – фаҳм ва фаросат билан билиб олиш, сезиш ёки мантиқий мулоҳазасиз таҳмин қилиб, ҳақиқатга эришишдир.

Мантиқ ва интуиция ўзаро алмашиниб туради. Бунда масаланинг интуитив ечими ҳар доим мантиқдан илгари келади. Я. А. Понамарёв тўғри ва ёрдамчи натижа тушунчаларини киритади. Ёрдамчи натижа (онгсиз

равишда ўтмишда йиғилган тажрибага суянади) англаш давомида тўғри натижага айланади. Тасаввур этиш ва ҳиссиётларнинг аҳамияти ҲИРнинг юқори даражаларида чегараланади. Бунда – ечим мантикий таҳлилга ва синтезга таянади[74,263].

Психология фанида кўп йиллар давомида шахснинг ижодий имкониятини (потенциясини) интеллект коэффиценти (IQ) орқали аниқлаш мумкин, деган гипотеза мавжуд эди, бироқ бу назариянинг асоссизлиги исботланди. Ҳозирги ижодий қобилиятни баҳолаш учун креативлик коэффиценти (Сч) киритилди. Ечимни тез топишлик, муаммони ечишга эришиш – доим номаълумни топиш, интеллектуал мақсадга эришиш доим табиий жараёнлар одамда ижодий қобилиятнинг мавжудлиги белгисидир, деб уқтиради. О. К. Тихомиров [96, 270].

Ижод – бу ривожланишдир, - дейди. А. В. Брушлинский, ривожланиш эса доим ўтмиш чегараларидан олдиндан белгиланган намунадан келиб чиқади. Олдиндан сезиш ва олдиндан айтиб беришни тақозо қилади [19-20].

А. М. Матюшкин ўзининг ижодий қобилият ҳақидаги таълимотида унинг қуйидаги таркибий қисмларини белгилайди:

- а) билиш майлларининг муҳим аҳамияти;
- б) янгиликларни топиш, муаммоларни ечишдаги ижодий фаоллик;
- в) мустақил ечимларини топиш эҳтимоли;
- г) олдиндан башорат қилиш мавжудлиги;

д) юксак эстетик, маънавий ва интеллектуал баҳолар билан таъминлайдиган шахсий намуналар яратиш қобилияти ҳамда мураккаб психологик тузилмаларни баҳолаш, ўлчаш вазифаси бу омиллар бирликни, қобилиятнинг интегратив таркибини ташкил қилади. Д. Б. Богоявленскийнинг фикрича, ижодий қобилиятни ўрганиш учун шундай бирликни белгилаш лозимки, бу бирлик ижодкор шахсни билиш ва асослаш лаҳзаларининг йиғиндисини акс эттирсин[14,17].

Д. Б. Богоявленский интеллектуал ташаббус, янги ғояларнинг туғилиши интеллектуал фаолликнинг ўлчови деб ҳисоблайди. Интеллектуал фаоллик атамаси интеллектуал сузликнинг карама – қариши кўриниши сифатида вужудга келган [13,63].

Муаллиф интеллектуал фаолликнинг 3 та даражасини фарқлайди:

- Репродуктив.

- Юқори чегараси – қизиқиш, қуйи чегараси эса синалаётган одамнинг ўз вазифасига нисбатан сузлиги. Лекин ўзлаштирилган ҳаракатлар тарзи чегарасидан чиқадиган умумий хулосалар йўқ.

- Эвристик.

Фаолиятни такомиллаштиришга интилиш пайдо бўлади, ечишнинг янги усулларини киртишга мойиллик юзага келади.

- Креатив.

Бу интеллектуал фаолликнинг юқори даражаси бўлиб, унинг ёрдамида вазифани йўлга қўйишдаги ташаббус, назарий умумий хулосалар, боғлиқликлар, сабаблар аниқланади.

Шундай қилиб, интеллектуал тараққиё масаласи юзасидан жаҳон психологиясида турли хил таълимотлар, турли ёндашувлар бўлишига қарамай, психологлар барча ёшдаги ўқувчиларнинг интеллектуал даражаларини аниқлаш бўйича оқилона йўл – йўриқлар ва самарали усуллارни ишлаб чиқишга муваффақ бўлганлар.

Ҳар бир тадқиқотда таълимнинг интеллектуал тараққиётдаги роли эътироф этилган бўлиб, ўқувчиларнинг интеллектуал ва шахс хусусиятлари ва имкониятлари, илмий жиҳатдан далиллаб берилган ҳамда тадқиқот қилишга молик жабҳалари таъкидлаб ўтилган.

Мазкур мулоҳазаларга асосланиб, навбатдаги изланиш режаларини тузиш мумкин.

Назарий мушоҳадалар муаммони ўрганилмаган қирраларини топишга имкон яратади.

3. Фикрий кўчиш психологик муаммо сифатида.

Усулларни, кўникма ва малакаларни, воситаларни, фаолиятни шахс томонидан ўзлаштирилиши ёки уни эгаллаш кўрсаткичи янги шароитга фикрий кўчиши психология учун муҳим аҳамиятга эга.

Кўчиш деб, куникма, ва ақлий фаолиятни янги шароитларда қўллаш ходисасига айтилади. Кўчиш ҳолатининг ўзига хос томонлари мавжуд. Улардан бири кўчишнинг асосидир. Топшириқни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг таркиб топтируви ва назорат қилувчи топшириқнинг усулга нисбатан қўйиладиган талабларини солиштириш кўчиш асосини ташкил қилади. Бу ҳолат ўқувчининг топширқ ечишга ундовчи майллар билан узвий алоқададир. Кўчиш ўзининг кўлами билан тавсифланади. Ўзлаштирилган усуллар, кўникмалар бирор топшириқ доирасига ёки яхлит фанга кўчади ёинки бир неча фанларга кўчиб “фанлараро” хусусият касб этади. Шахс эгаллаб олган усул ва кўникмалар топшириқ талабига биноан янги шароитга турли йўллар билан амалга оширилади.

Пассив йўл билан кўчирилган усуллар, кўникмалар қандай ўзлаштирилган бўлса, Ҳудди шундай ҳеч ўзгаришсиз амалиётга татбиқ қилинади. Бундай кўчиш йўли элементлар кўчиш дейилади. Кўчишнинг фаол йўлидан фойдаланганда эгаллаб олинган усуллар, услублар қайта қурилади, танланади, услублар бирлаштирилади ёки янги уларнинг янгиси излаб топилади, кашф қилинади.

Кўчишни амалга оширувчи объектив шарт – шароитлар ички ва ташқи кўринишга эга бўлиши мумкин. Усулни таркиб топтириш методикаси, эксперимент материаллари кўчишининг ташқи шароитлари деб айтилади. Усулларни ўзлаштириш мақсади эгаллашнинг майллари ва хусусиятлари, ўқувчиларнинг индивидуал фарқлари кўчишнинг ички шароитлари дейилади. Бундан ташқари усулларнинг назорат қилувчи, текширувчи топшириққа

кўчишига алоқадор шароитлар ҳам мавжуд. Таркиб топтирувчи топширик билан назорат топширикнинг ўхшашлиги ва фарқи, уларнинг объектив хусусиятлари ташқи шароитга киради. Топширик ечимига таъсир қилувчи шахслар ўртасидаги, яъни шахслараро индивидуал фарқлаш унинг ички шароитини ташкил қилади.

Янги усулни топиш жараёни муаммоли топшириқларни ечишда кўзга ташланади. Ушбу ҳолатни кўчишдан бироз фарқлаш лозим. Янги усулни топиш асоси усулга нисбатан назорат (текширувчи) ва таркиб топтирувчи топширик талабини таққослашдан иборатдир. Масалан ўзлаштирувчи усулнинг мутлақо қарама – қаршииси бўлган усулни топиш ёки қатор усулларни фикран умумлаштириш йириклаш (концентрациялаш) натижасида ҳосил қилинади. Кўпинча янги усул шахс томонидан олдин ўзлаштирилган билимлар асосида топилади. Бу ҳолда янги усул шахс томонидан олдин ўзлаштирилган у ёки бу усулга таянмаслиги мумкин. Чунончи, образ яратиш услулуга ўқувчи ўргатилмаган бўлса, назорат топшириқда (топографик режа ва унинг шартли белгилари билан танишиш орқали) мустақил равишда режа асосида фикрий масалани яратиш усулини топа олади.

Интеллектуал тараққиёт муаммоси юзасидан мулоҳаза юритилганда усулларнинг, услубларнинг янги шароитга кўчиш ҳолати уларни ўрганишга нисбатан шахс қизиқишнинг ортиши, улурга суяниб ақлий фаолиятни бошқариш истагининг пайдо бўлиши, билиш мотивларининг, тараққиётнинг ўйғониши фаолият субъектларининг интеллектуал билиш мотивлари ақлий фаолиятни бошқариш, ақлий тараққиёт мезонидир.

Интеллектуал тараққиёт юзасидан фикр алмашилганда, тараққиёт шароити, унинг кўрсаткичи, таълим билан тараққиётнинг ўзаро таъсири сингари жараёнларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун уларни ўзаро алмаштириб юбориш мутлақо мумкин эмас.

Бизнинг тажрибаларимизда умумлаштиришнинг йўналиши бўйича фарқланувчи усулларга кўпроқ аҳамият берилади. Шунинг учун улар

тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади. Таҷрибаларда қуйидаги умумлаштириш усуллари ўрганилади. Умумийдан хусусийга, хусусийдан умумийга, ягонадан умумийга, сўнг хусусий ҳолларга, умумийдан хусусийга ва янада умумийга, қонуниятдан янада қонуниятга ўтиш усуллари кабилардир.

Л. С. Виготский концепциясига биноан умумлаштириш усуллари қуйидаги тамойил бўйича ажратиб ўрганилади. Фикрнинг йўналиши бўйича фарқланувчи усул яққол – кўргазмали материалларда ёки аввал ўзлаштирилган фан негизини ўрганишдаги қонуниятларда амалга оширилиши мумкин. Сўнгги ҳолат «умумлашмани умумлаштириш» тариқасида юзага келади. Шундай тахмин қилиш мумкинки, умумлаштириш усуллари кўчиши «бирданига», аста – секин, «бузиб - тузатиш» йўллари орқали амалга оширилиши эҳтимол. Бу нарса усулларга ўқитиш методикаси ва ўқувчиларнинг индивидуал фарқларига боғлиқ. Усулларнинг кўчишида қонуниятларнинг умумлаштириш йўлининг алоҳида биттасини бирон бир усулга тааллуқли деб аташ илмий далилларни талаб қилади. Таҷрибадан ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётига ижобий таъсир этиши, уларда билиш мотивларининг туғилиши, ўзини ўзи бошқариш иштиёқини келтириб чиқариши мумкин.

Таदқиқот учун экспериментал материал сифатида ўқув фанларидан бир неча муҳим қонуниятлар танлаб олинади. Умулаштириш усулларни таркиб топтириш машғулотларида география дарслигининг «Иқлим» бўлимидаги қонуниятдан фойдаланилди. Қонуният таърифи: “Тоғ тизмаларининг ўзига ёндош жойлар ёғингарчилигига таъсир этиши натижасида у ерларда кўп миқдорда ёғин бўлиши мумкин, чунки тоғлар бунга ёрдам беради”. Мазкур қонуният ушбу шароитлар мавжуд бўлишини талаб қилади: тоғ тизмаларининг маълум баландликка эга бўлиши, намлик манбаининг етарли узоқликда жойлашмаганлиги, кўрсатиб ўтилган жойларга нам шамолларнинг

кириб келиш, тоғ тизмаларининг, нам шамоллар йўлига тўсиқ бўлиб, улари объектнинг нариги томонига ўтказиб юбормасилиги ва ҳоказо.

Тажрибаларда санаб ўтилганлардан ташқари бошқа объектив қонуниятлардан ҳам фойдаланилди: дарахтларнинг илдиз тизимига оид, тоққа кўтарилган сари ҳолатларнинг ўзгариб боришига доир, жониворларнинг ҳимоя ранги хусусиятига тааллуқли ҳамда геометрик теорема материаллари унумли қўлланилди.

Тадқиқотда ушбу масалалар ҳал қилиниши назарда тутилади:

- 1) умумлаштириш усулларини ўзлаштиришдаги тафовутлар;
- 2) умумлаштириш усулларининг кўчишидаги хусусиятлари;
- 3) усулларнинг кўчишида шахсларнинг объектив қонуниятларни оча олиш имикониятлари;
- 4) усулларнинг кўчиши йўллари бўйича фарқланиши;
- 5) усулларнинг кўчиши кучли ва бўш ўзлаштирувчилар ўртасидаги тафовутлар тавсифи;
- 6) “бирданига”, аста – секин ва “синаш – тузатиш” ечимнинг умумлаштиришнинг бирон бир усулга хослиги;
- 7) Тажрибалар натижаларининг сиёсатчилар билиш фаолиятига таъсири;
- 8) тажрибалар малакаларининг қатнашчилар ўзини ўзи бошқариш фаолиятига, қолаверса ўқув жараёнидаги субъект ўқувчанлигига таъсири ва ҳоказо;

Ақлий фаолият усулларининг кўчиш хусусиятлари ҳамда кўчишни ўзаро таққослашга доир мулоҳазаларимизни кейинги бобларда давом эттирамиз.

4. Мамлакатимиз психологларининг тадқиқотларида интеллектуал тараққиёт масаласи.

Марказий Осиё мутафаккирларининг Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Абдулла Авлоний ва бошқалар ақл, тафаккур ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Буюк олим Абу Наср Форобий (870 - 950) ақл орқали тафаккур ёрдамида билишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Тафаккур мавҳумликка, умумийликка, бевоситаликка, яъни сезгилар орқали билиш хусусиятларига эга деб тушунтиради. Форобий таълимотига кўра, тафаккур (ақл) орқали инсон материянинг сезгиларга номаълум ҳисобланган томонларини, умумий қонуниятларини, моҳиятини билади, санъат, фан тўғрисидаги билимларга эга бўлади.

Форобий дунёни ақл ёрдамида билишни назарда тутиб: “Тушуниш эса (нарсаларнинг моҳиятини, умумий қоида ва қонун) тўғрисидаги ҳаракат бўлиб, уларнинг охири бор, чегараланган ҳамда умумлаштирилгандир”, - деб ёзган эди.

Форобий ақл (интеллект)ни инсонгагина хос бўлган (“қуввати нотифа”), у инсондаги барча қувватлар устидан раҳбар, уларни бошқарувчи қувват деб тушунди.

Унинг фикрича, ақл қуввати (қуввати нотифа)нинг энг муҳим вазифаларидан бири – турли мантиқий операцияларни бажаришдир. Бир вазифа ақл қувватига кирувчи мустақил “қуввати фикрия” инсон мантиқий фикрлаш жараёни томонидан амалга оширилади, яъни агарда қуввати нотифа билан англанадиган нарсани билиб олиш зарурияти туғилса, қуввати нотифадаги махсус “қуввати фикрия” ишга киришади. Бу фаолият фикр юритиш, тушунча ва ҳукмлар ёрдами билан амалга оширилиб, кейинчалик ҳулосалар чиқариш билан якунланади. Унинг тафаккурга умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, таҳлил ва синтез қилиш каби хусусиятлар ҳослиги ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Форобий маълумотида тафаккурнинг аниқликдан мавҳумликка йўналиши ва мавҳумликдан аниқлик сари қайтиши ҳақида фаразий фикрлар ҳам учрайди.

Фаробий тушунишни билимнинг моҳиятини уқиб – англаб олишни куруқ ёдлашдан устун қўяди ва ўқувчиларга умумий қонун ва қоидаларини ўзлаштиришни тавсия этади, чунки қонун қоидаларни англаш, унинг таъкидлашича, жуда катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, Фаробийнинг фикр юритиш, тафаккур хусусиятлари ҳақидаги фикрлари ҳозирги даврга қадар ўз аҳамиятини сақлаганлиги учун тадқиқотимизда буюк мутафаккирнинг илгари сурган ғояларига асосланишни лозим топдик [109,95].

Абу Райҳон ибн Аҳмад Беруний (973 - 1048) таълим ва тарбия масалаларига чуқур қизиққан [10,103]. У билимларни эгаллаш воситалари ва усуллари ҳақида, ҳақиқатга эришиш, фанларни ўрганиш, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик ҳақида, фанлараро боғлиқлик ҳақида, эстетика ва этика, таълим ва тарбия услуги ҳақидаги ғояларини илгари сурган.

Беруний инсоннинг барча мавжудоддан устунлиги унинг тафаккуридадир деб билади. Шунинг учун ҳам барча ҳайвонлар унга бўйсунадилар, акс ҳолда инсон энг ожиз ҳайвондан ҳам ожиз бўлар эди.

Беруний инсон ташқи оламни билишда асосан ақлга (интеллектга) таяниши ва шунинг учун ҳам у барча жонзотдан устун туришини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, инсон ақлига мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимларнинг чеки йўқ ва ҳамма билимларни тез эгаллаш мумкин эмас. Шу боисдан, инсон ўзи билиб олган нарсалар билан қифояланиб қолмай, балки доимо янги билимларни ўрганишга интилиши керак. Унинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш сингари истеъдодларга эгадир.

Инсон тафуккурининг қудрати шундаки, унинг ёрдамида воқеа ва ҳодисаларнинг бир – бирига чоғиштириш, таҳлил қилиш орқали ростни ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни эса ноҳақликдан ажратиш мумкинлиги ҳақида таълим беради. Беруний бу

фаннинг ривожланишига ижобий таъсир кўрстишни исботлайди. У билиш лозим бўлган ҳодиса ва воқеани, майдалаб, бўлиб – бўлиб ўрганиш, таҳлил қилиш методини илгари суради.

Рухият, онг ва тафаккур барча ҳодисаларнинг таъсирига боғлиқдир. Чунки инсон тафаккури доимо воқеликни билишга қаратилгандир. “Аммо инсон, - дейди Беруний – нарс ва ҳодисаларнинг фақат сифат ва хусусиятлари ҳақида билим берувчи ҳиссий билиш даражасида тўхтаб қолмайди, балки нарсаларнинг чуқур ва атрофли билиш, шу нарсалар ҳақида фикр юритишни талаб қилади”[10,106]. Тафаккур, интеллект туфайли инсон нарс ва ҳодисаларни бир – бири билан солиштириб, қиёслаб кўради, ўз билимларнинг объектив воқеликка мослигини текшириб кўради. Берунийнинг таъкидлашича, билим ва таълимда таққослаш методини борлиқнинг у ёки бу ҳодисасини тушунтириш инсон билимларининг амалий фойдалилиги ва ишончлилигини излашдан иборатдир. Бунда таққосланадиган предметлар ёки нарсалар орасида ўхшашлик бўлиши керак. Агар улар орасида маълум мувофиқлик бўлмаса, таққосланадиган предметларнинг ҳар бир қаришилиги ўзининг объектив асосини йўқотади.

Шундай қилиб, буюк аллома ақлий фаолиятнинг таҳлил, таққослаш каби усуллари илгари сурадики, бу усуллар ёрдамида инсон ўз билимларининг объектив воқеликка мослигини аниқлайди.

Шарқнинг буюк файласуфи Абу Али ибн Сино (980-1037) инсон ақли (интеллекти) ҳақидаги ҳикматларида “Илм – нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир”. “Билим деб, нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир” дейди. [124,137].

Ибн Сино “Ҳайй ибн Яқзон” қиссасида киши феъл – атворини, табиатни чуқурроқ тушуниш учун илми мантиқни билишга даъват қилади. Чунки бу илм киши динини ўстиради, фикр доирасини кенгайтиради. Ибн Сино бу ҳақда шундай дейди: “Фаросат илми фойдаси нақд илмлардандир. Бу илмни

билиб олсанг, у сенга кишиларнингш пинҳоний феъл – атворини билдиради. Фаросат илмидан баҳраманд бўлсанг, жуда ўткир билиб кетасан”. [65,63].

Ибн Сино ўз таълимоти орқали ўрта аср психологиясининг ақлий объектларини моддий нарсалар сифатида гавдалантиради. Гарчи бу асар ақл, илм – фан, маърифат ҳақида ҳикоя қилса – да, лекин олимнинг фанга, уни эгаллашга интилишларини ҳам тасвирловчи қисса ҳамдир.

Ақл илмининг макони, муқаддас жой, бунинг маъноси ҳақиқий фан, яъни ақлда ёлғончилик, тубанлик, ёмонлик кабилар бўлмаслиги керак. Қиссадаги оқиб турган чашма – мантиқ илми, киши Баҳри муҳитда чўкмайди.

Ибн Сино қадимги фалсафадаги “назарий ақл” билан “амалий ақл” ҳақида ҳам тўхталиб ўтади:” ... ўнгда ўтириб кузатувчиси буйруқ берувчилардан бўлиб, ёздириш иши унинг қўлида. Чапда ўтириб кузатувчиси буйруқ берувчилардан бўлиб, ёзиш иши унинг қўлида”. Бунда кишининг рост ёлғонга рағбати, ўйлаб – ўйламай иш қилиш кайфияти, ҳисси қабул қилган нарсаларни ақл билан ифодалаш хусусиятлари назарда тутилади. Чунки ҳис ёрдамида билан маълум бўлган нарсалар ақлга бориб этади.

Ибн Сино шарқ фалсафасидаги “фаол ақл”ни ҳамма нарсаларнинг асоси, бошланғичи деб таърифлайди.

Абдулла Авлоний (1878 - 1934) ўзбек халқининг санъат ва адабиётини юксалтиришда ўзбек миллий маданиятини тараққий эттиришда, халқ маорифи ишларини йўлга қўйишда катта хизмат қилган адиб, жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир. У ўзбек мумтоз шоирлари ва илғор жаҳон маърифатпарварларининг юксалишига оид фикрларига таяниб, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда муҳим ҳаётий масалаларни кўтариб чиқади. Уларни тўғри ҳал қилишга уринди. Фикр тарбияси деб ёзади Авлоний “Туркий гулистон ва ахлоқ” асарида энг керакли кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган муаллифларнинг диққатларига суялган, виждонларга

юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур.

Шунинг учун ўқувчини фикрлаш қобилиятини ўстиришда муаллимнинг роли катта аҳамиятга эга дейди. Унинг тасдиқлашича, ўқувчининг фикрларини бирон нарсага қаратиш, унинг ўша нарса ҳақида ўйлашига эришиш учун унинг диққатини яққол нарсаларга йўналтириш, унинг олдида аниқ бир масала қўйиш ва унга жавоб топиш учун унда эҳтиёж пайдо қилиш керак. Бунда ўқувчи фикрини муайян томонга йўналтирувчи аниқ вазифалар белгилаб беришда муаллим катта рол ўйнайди. Авлоний ўз байтларида таълим ва тарбия бирлиги ғоясини тарғиб қиладики, бу нарса бизнинг кунларимизда ғоят долзарбдир:

“Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткир.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан, замир ўлур бенур”.

А. Авлоний жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом кишилар яхши фикрлайдилар, деб таъкидлайди. “Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордир. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидир”.

А. Авлонийнинг фикрича, бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак. Инсон унинг соҳибидир. Чунки инсоннинг ақли бор, шу ақл орқали илм эгаллайди, илми туфайли дунёни бошқаради. Ақл дейди Авлоний инсонларнинг пири қомили, муришиди яғонасидир. Инсон ақли ва сўзи билан ҳайвонлардан айрилади. Инсон ақл ва идрок соясида ўзига келадиган зарар ва зулмдан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсоннинг ақлидир. Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир. Агар ақлнинг қўли нафсингни жиловласа, инсонни ёмон йўللарга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса

кўп бўлса баҳоси арзон бўлур; ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур. [125,147].

А. Авлониё кишиларнинг ҳар бир ишда ақл ва муҳокамага таянишга, ҳар бир ишни ва тадбирни ақл тарозисига солиб, ўз ўрни ва мавриди билан амалга оширишга чақиради.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мутафаккирлари ақл, тафаккур ҳақида ўзларининг ажойиб фикрларини билдирадиларки, уларнинг бу фикрлари ўзлари яшаган даврларда илм – фаннинг равнақи учун жуда катта ҳисса бўлиб қўшилиб, то ҳозирги кунга қадар ўзининг ноёб аҳамиятини йўқотганича йўқ. Илмий тараққиётимизда биз уларнинг ибратли фикрларидан методологик асос сифатида фойдаландик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, интеллектуал тараққиёт масаласи мамлакатимизнинг психолог олимларини ҳам қизиқтириб келган. М. Воҳидов, М. Г. Давлетшин, Э. Ғ. Ғозиев, В. М. Каримова, Ғ. Б. Шоумаров, Б. Р. Қодиров ва бошқаларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

М. Воҳидов қобилият одамнинг маълум бир иш ёки ҳаракатларни бошқа одамларга нисбатан осонлик ва чаққонлик билан бажара олиш лаёқатидир. Одамнинг қобилияти, унинг турли фаолиятида намоён бўлади. Ҳар қандай нормал тараққий этган одам маълум бир соҳага нисбатан қобилиятли бўлади.

Ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ўртасида кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб бўлмайдиган ички муносабатлар ҳамда қонуниятлар бор. Ана шу ички боғланиш ҳамда қонуниятларни биз тафаккур орқали билиб оламиз. [21,168].

М. Г. Давлетшин интеллектуал тушунчаларни қобилият тушунчаси билан боғлаб ўрганган. Қобилият шаклланиши ва ривожланиши, биринчидан, маълум бир фаолиятга мойиллик ёки интилиш борлигига ва фаолият натижаларининг сифатига қараб, тегишли табиий зеҳн нишонларини фаолиятга жалб этиш орқали шахснинг табиий хусусияларини чиниқтириш

ва ривожлантириш йўли билан, учинчидан, умумлашган интеллектуал операцияларни шакллантириш йўли билан бориши керакки, бу операциялар умумий ва махсус ахборотни енгил ва самарали ўзлаштиришни режалаштирилган фаолият бўйича малака ва кўникмалар ҳосил қилишни таъминласин. Ўқувчиларда қобилиятларни ўсиши таълим – тарбия жараёнида юзага келади. [31,15].

Ўсиб келаётган ёш авлодда ижодий фаолликни ва унинг негизида ётувчи ижодий қобилиятни шакллантириш республика мактаблари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки “ҳозирги мактабнинг асосий вазифаси таълим методларини, ўқувчиларнинг фикрлашларини тараққий эттириш методларини такомиллаштиришдир. [31,15].

Э. Ғозиев интеллектуал тараққиётнинг вужудга келишини мактабда олинадиган билимлар таъминлайди, деб ҳисоблайди. Ўқувчиларнинг интеллектуал жиҳатдан ўстириш учун уларни фақат билимлар тизими билангина эмас, балки муайян ақлий фаолият усуллари (таҳлил, синтез, таққослаш, туркумлаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, эсда олиб қолиш ва бошқалар) ўқув, кўникма ва малакаларни кўзда тутиш кераклигини таъкидлайди. [119,37].

Ўқувчилар ақл – заковатини камол топтиришда мантиқий тафаккурнинг аҳамияти катта, чунки тафаккурнинг ривожланиши ақлни қўшимча маълумотлар билан бойитади. [121,167].

Ақлий фаолият инсоннинг муайян билимларни ўзлаштириш ёки янгиликларни очиш билан боғлиқ психик фаолиятдир. “Тафаккур атроф – муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бевосита, умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, социал – сабабий боғланишларни англашга, ва янгилик очишга ва прогноз қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир”.

Мазкур муаммони В. М. Каримова қуйидагича талқин этади. Қобилиятлар масаласи, энг аввало, инсон ақл – заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг бирлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса,

бирор касбнинг эгаси бўлиш истагида ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси билан боғлаб ўрганилади.

Илм фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақл сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчиллик олимлар одам интеллектида унинг вербал, миқдорий, фазовий кўрсаткичларини аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва хаёл жараёнлари билан боғлайдилар. Қобилиятлар ижтимоий характерга эга бўлиб, унга ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади.

Оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳеч ким инкор этмайди. [46,124].

Ғ. Б. Шоумаров мамлакат фуқароларининг интеллектуал савиясига алоҳида урғу бериб, ҳар бир давлат, жамият тараққиёти, унинг истиқболи ўз фуқароларининг савияси билан белгиланишини эътироф этади. Жамият ва фан – техниканинг ривожланишида ақл муҳим омил ва мезонлардан биридир. Шунингдек, Шоумаров ҳар қандай инсонпарварлик жамиятида ақли заифларга эътибор муҳимлигини уқтириб, ақли заифлик омилларини марказий асаб тизимининг органик бузилиши, шунинг оқибатида бола билиш фаолиятининг турғун пасайишидир дейди [113,9].

Б. Р. Қодиров ўз ишларида зехн, истеъдод, интеллектуал тараққиёт юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган. Ҳатто бу борада банк тузишга ҳам муваффақ бўлган. “Интеллектуал потенциални бойитиш ақлий заковатни шакллантиришнинг оммавий ва шу билан бирга анъанавий, ҳеч кимнинг эътирозига сабаб бўлмайдиган турларига диққатни кўпроқ қаратиш, имкон

даражада улар моддий – молиявий томонларини кучайтириш, маълум ютуққа эришадиган ёшларни кенгроқ рағбатлантириш, уларга тегишли молиявий ва маданий муҳит яратиш жуда катта аҳамиятга эга. Ақлий фаолиятни тарбияладиган, унинг маҳсулдорлигини оширадиган, ижодий хислатларини ривожлантирадиган анъанавий методлар доирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мактабларда фанлардан илмий тўғараклар.
 2. Ўрта махсус ва олий ўқув юртларида талабаларнинг илмий жамиятлари.
 3. Ўқувчилар ва талабаларнинг ҳар хил доирада ўтадиган олимпиадалари.
 4. Талабалар илмий – тадқиқот ишлари.
 5. Ижодий ишлар, кўриклар, конкурслар, мусобақалар ва ҳоказо”
- [116,16].

Р. Тошимов ва М. Маматовлар ақл – идрок (интеллект)ни тадқиқ қилишнинг назарий асосларини яратиш лозимлигини уқтиради. Интеллектуал ривожланишни текшириш, ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш диагностика методларсиз амалга ошмайди. Ақлий имкониятларнинг диагностикаси жараёнидаги инсон қобилиятларига амалий ёндашув шахснинг бир ақлий тараққиёти босқичидан бошқасига ўтишига ёрдам берувчи муайян кўламдаги билимлар бўлишини тақозо қилади [101,16].

Бундай фикрларнинг муҳимлиги Р. Исмоилованинг илмий изланишларида ҳам ўз ифодасини топган.

Э. З. Усмонова инсон билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, унинг ақлий фаолиятининг тажрибаси шунчалик мукаммалликка эга. У шунчалик ҳал этилмаган муаммоларни кўра олади, онгидан шунчалик тез ечимни талаб этувчи фикрий вазифалар юзага келади, деб ақлий ривожланишни билимларни чуқурлаштиришга боғлайди. Ақлнинг муҳим сифатларидан бўлган тафаккурга алоҳида урғу бериб, унинг ёрдамида сезги, идрокка

берилмаган ва умуман кузатиш имконияти бўлмаган ҳодисалари ақлан ҳал қилиш мумкинлигини таъкидлайди [105,19].

Ақлий фаолият усуллари ва йўллари эгаллаш муаммоси илм ва техникага янги замонавий талабларнинг ортиши, таълим методларининг такомиллашиши, ўқув дастурлари назарий даражасининг кучайиши ва таълимнинг жадаллашуви муносабати билан муҳимдир, дейди З. Нишонава ўз изланишларида. Шунингдек, у ўқувчилар ақлий фаолият усуллари ва йўллари гуруҳий тренинг методи ёрдамида ривожлантириш стратегиясини ўзбек мактаблари амалиётида қўллашни тавсия этади [65,108].

5. Ўсмир интеллектини тадқиқот этишининг босқичлари ва методлари.

Ўсмир ўқувчилар интеллектини моҳиятини очиб беришда умумий психологиянинг асосий тамойилларига амал қилинди, улар қуйидагилардан иборат:

1. Психика юксак даражада ташкил топган борлиқнинг бир таркиби ҳисобланмиш материянинг хусусияти, бошқача қилиб айтганда мианинг маҳсулидир. Психика ташқи дунёнинг сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, нутқ каби билиш жараёнларида шу билан бирга шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида муомала, фаолият, ҳуққ қўринишларида ўз аксини топади.

2. Маълумки, психиканинг негизида мианинг фаолияти ётади. Ташқи оламдан таъсир қилувчи кузатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини беради. Бош миё катта ярим шарларида юзага келадиган муваққат нерв боғланишлари психик ҳодисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади. Бош миё пўстлоғида вужудга келадиган И. П. Павловнинг муваққат нерв боғланишлари шунингдек, П. К. Анохин, Н. А. Бернштейн, Е. А. Климов, Е. А. Соколов, Е. И. Бойко, К. М. Гуревич, О. К. Конопкин

сингари олимларнинг кейинги даврлардаги тадқиқотлари психофизиологик қонуниятларни очишга мушарраф бўлди. Миянинг функцияси, локализация ходисаси (А. Р. Лурия), нерв системасининг механизмлари, ички ва ташқи кўзгатувчилар ҳоссаси тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

3. Психикани ўрганиш инсоннинг онтогенезидан бутун онгли фаолиятини тадқиқ этишдир. Инсоннинг онглилиги унинг ўйин, меҳнат, ўқиш каби фаолиятларида, хатти – ҳаракатларида ҳамда муомаласида намоён бўлади. Инсоннинг шахси турли мазмунга эга бўлган назарий ҳамда амалий фаолиятларида таркиб топа боради. Бунда муҳит (макро, микро, мизе), ирсий белгилар шаклланишининг асосий омиллари ҳисобланади. Онтогенезда инсоннинг ҳис – туйғулари, характери, қобилияти, тафаккури, ҳаракат мотивлари, майллари ва эҳтиёжлари ҳам аста – секин ўзгариб туради.

4. Инсонда билиш фаолиятининг ривожланиши уни қуршаб турган борлиқни янада чуқурроқ, тўғрироқ ва аниқроқ акс эттириш имкониятини яратади ва ушбу болиқнинг асл моҳиятини, ундаги ўзаро боғланишларни, мураккаб муносабатлари ва алоқаларни тобора аниқроқ ёритади (акс эттиради). Шунингдек, мазкур жараёнларда шаклланиб келаётган инсоннинг борлиққа, воқеликка, ўзига нисбатан муносабати юзага кела бошлайди.

5. Инсон онгининг ривожланиши, шахс томонидан ташқи оламни фаол акс эттириш жараёнида намоён бўлади. Илмий психология таълимотига кўра, инсоннинг турмуш тарзи, у ҳаёт кечираётган жамиятнинг моддий асосигина эмас, балки уни қуршаб олган одамларнинг яшаш шароитлари, ижтимоий воқеликка нисбатан муносабатлари, ҳамда хатти-ҳаракатларининг мажмуасидир. Мазкур ижтимоий психологик жараён ўсиш, ривожланиш, камолот, тараққиёт босқичларини босиб ўтади ва улар ўзаро муайян иерархиявий тузилишига эгадир.

6. Инсон томонидан борлиқнинг (воқеликнинг) акс эттирилиши – фаол жараёндир. Инсоннинг ривожланиши объектив борлиққа (воқеликка) ва ўзига фаол таъсир кўрсатишида содир бўлади. Боланинг катта ёшдаги

кишилар таъсир қиладиган амалий фаолияти, масалан, унинг ўйини, меҳнати, ўқиши ва қизиқишининг барқарорлашуви, иқтидорининг такомиллашуви кабилар унда юз бераётган психик ривожланишини ифодалайди. Боланинг ривожланиши инсон шахсининг таркиб топиш жараёнини акс эттириб, бир неча босқичлар, фазалар орқали юзага келади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг онтогенезида психик ривожланишини мукаммал ёки тўла бўлмаса-да, очиб бериш имконияти мавжуд бўлган умумий назария қоидалар, яъни тамойиллар ишлаб чиқилган. Ана шу тамойиллар асосида турли ёшдаги ва жинсдаги одамларда методологик ва методик хато ҳамда камчилликларсиз илмий тадқиқот ишларни олиб бориш мумкин.

Ўсмирлар интеллектуал тараққиётини объектив равишда таҳлил қилиш учун илмий тадқиқот ишида психология фанида психик жараёнлар, ҳолатлар ҳамда шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган методлардан фойдаланилди. Изланишда кузатиш, суҳбат, тест, методлари кўпроқ қўлланилди.

Кузатиш методи. Интеллектуал ривожланишни кузатиш учун куйидагиларга эътибор берилади: 1) мақсад ва вазифани белгилаш; 2) кузатиладиган объектни танлаш; 3) кузатиш субъектини (синалувчини) аниқлаш; 4) тадқиқот ўтказиш вақтини режалаштириш; 5) кузатишнинг давомийлигини қатъийлаштириш; 6) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўйин, ўқиш, меҳнат) амалга оширилишини белгилаш; 7) кузатишнинг шакллари (якка, гуруҳ, жамоа) аниқлаш; 8) кузатиш жараёнини қайд қилиш (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, ведиомагнитофон ва бошқалар). Ўқувчи томонидан мустақил билим олишда, уй вазифасини бажаришда, муаммони изчил ҳал қилишда, қанча вақт сарфланишини, диққатнинг хусусиятини объектив йўналтиришда, ҳиссий кечинмасининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тўплашда кузатиш методидан фойдаланилди. Ўқитувчи томонидан ўқувчи ақлий фаолиятини бевосита

кузатиш орқали қай даражада меҳнат усуллари, операциялари, кўникма ва малакалари билан қуролланганлиги тўғрисида маълумотлар тўпланди.

Сухбат методи. Интеллектуал тараққиёт даражаларини ушбу метод орқали ўрганишда сухбатнинг вазифаси ва мақсади белгиланди, унинг объекти ва субъекти танланди, якка, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилди, ўрганилаётган мавзу билан узвий боғлиқ савол – жавоб тартиби тайёрланди. Сухбат ўтказишда асосий мақсад таълим жараёнида ўқувчилар интеллектуал тараққиётидаги ўзгаришларни аниқлашдир. Сухбат орқали ўсмир ўқучиларнинг тафаккури, ақл – заковати, ҳулқ – аъвори, кизиқиши, билим савияси, мулоҳаза юритиш усуллари тўғрисида маълумот олинди. Сухбат чоғида ўзаро изчил боғланган саволлар берилди. Фикрларнинг мантикийлиги сухбат давомида таъминлаб борилди. Бу ҳилдаги машғулотлар ўқувчининг толиқмаслиги учун танланган мавзу уларнинг ёшига мутлақо мос тушиши эътиборга олинди. Савол – жавобнинг стандарт ёки стандарт эмаслиги, синалувчида индивидуал ишлаш услуги, фавқулодда муаммоли вазиятнинг юзага келиши, нутқнинг бой ва таъсирчанлиги, мулоқот талаби тажриба дикқат марказида турди.

Фаолият маҳсулини тадқиқ қилиш методи.

Ўсмир хотираси, тафаккури, қобилияти ва ҳаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу методдан фойдаланилди. Ўқувчиларнинг чизган расмлари, ясаган модель ёки ўйинчоқларини таҳлил қилиш орқали уларнинг фикрлаш доираси, интеллектуал теранлиги ва маҳсулдорлиги юзасидан маълумотлар тўплаш мумкин. Ушбу методни қўллаш жараёнида материални яратган шахс бевосита иштирок этмайди. Ҳудди шу боисдан, объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш мақсадида шахснинг интеллектуал қобилиятларининг хусусияти бўйича ҳукм ва ҳулоса чиқарилди. Фаолият маҳсулини кундаликлар, схемалар, кашфиётлар, ҳунармандчилик, мустақил ишлар, аннотациялар, иншо, баён, расм, кўргазмали қурол ташкил қилди.

Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг ижодкорлиги, топқирлиги, идроки ва зукколиги тўғрисида маълумот олинди.

Тест методи.

Шахснинг интеллектуал ўсишини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланадиган қисқа стандарт масала, топширик, жумбоқлардан ташкил топган тест муҳим аҳамиятга эга. Тест қисқа вақт ичида бажарилиши зарур топширик ҳисобланганлиги учун унинг ечимини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида интеллектуал тараққиёт даражасининг такомиллиги аниқланди.

К. М. Гуревич, В. А. Крутецкий каби психологлар тестларнинг тафаккур кўрсаткичи (индикатори) бўлиши учун ҳаракат қилдилар ва бу борада муайян муваффақиятларга эришдилар. Биз уларнинг тамойилларига асосланган ҳолда ўз тестларимизни ишлаб чиқдик ва тажрибада синаб кўрдик.

Тадқиқот давомида Кэттелл Векслер, Айзенк, Анастаси каби психологларнинг тестларини татбиқ этдик. Энг кенг тарқалган, оммалашган тестлар мақсадга эришиш тестлари (билим ва малака даражаларини баҳолашга қаратилган), интеллект тестлари (ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган), шахс тестлари (инсон иродаси, эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси ва ҳулқини баҳолашга йўналтирилган), проектив тестлари (саволларга битта аниқ жавоб бериш талаб қилинади) қўлланилди.

Эксперимент методи.

Ушбу метод турли ёшдаги ўқувчиларнинг психикасини, тафаккурини, интеллектуал ривожланишини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Эксперимент ёрдамида суъний тушунчаларни шакллантириш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш ҳамда шахснинг ақлий топқирлигини аниқлаш мумкин.

Тажрибада эксперимент методининг табиий ва лаборатория вариантларига мурожаат қилдик. Табиий шароитда тафаккур (интеллект) ўрганилишида синалувчилар ундан беҳабар бўлиши, дарс жараёнида берилаётган билим ёки топширик мақсадга мувофиқлаштирилиши

таъминланди. Лаборатория топшириғи эса кўпинча индивидуал шаклда, ошкора тарзда олиб борилади.

Эксперимент аниқловчи, таркиб топтирувчи ва текширувчи (назорат) қисмлардан ташкил топади. Экспериментнинг аниқловчи қисми ёрдамида ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати, даражаси аниқланди, лекин экспериментатор синалувчиларга субъектив таъсирини сира ўтказмади.

Бу ҳолат эксперимент ўтказиш тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Аниқловчи босқич ўсмир ўқучилар интеллектуал даражасини ўлчашга йўналтирилганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Таркиб топтирувчи эксперимент босқичида эса синалувчиларда мақсадга мувофиқ муайян ақлий малакани, йўл – йўриқ ва тафаккур усулини ўргатиш режалаштирилди. Тажриба индивидуал ва гуруҳий тарзда ўтказилди. Бунинг учун тажриба материалининг ҳажми, қўллаш усули, белгиланиб қўйилди. Таркиб топтирувчи босқич бир нечта сериялардан ташкил топди ва экспериментаторнинг маълум ёрдамида амалга оширилди.

Текширувчи ёки назорат тажрибасида таркиб топтирувчи босқичда шакллантирилган усул, восита, кўникма, малака ва шахс фазилатларининг даражаси барқарорлигини аниқлаш, уларнинг таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш учун моҳияти ҳар хил мустақил топшириқлар синалувчилар ҳукмига ҳавола қилинди. Таркиб топтирувчи экспериментнинг самараси айнан мана шу текширувчи (назорат) тажриба натижаси орқали аниқланди. Ушбу тажрибада ҳам текширувчи (экспериментатор) синалувчига мутлақо ёрдам бермаслиги ҳукм суради, акс ҳолда тадқиқот ўтказишнинг тамойили бузилиши мумкин эди.

Аниқловчи, таркиб топтирувчи ва текширувчи (назорат) тажрибаларда тўпланган маълумотлар, миқдорлар статистик методлардан фойдаланган ҳолда қайтадан ишлаб чиқилди, шунингдек, миқдор таҳлилини ўтказиш учун тайёргарлик кўрилди. Статистик методлар ёрдамида ўсмирнинг билиш жараёнлари билан унинг индивидуал – типологик хусусиятлари ўртасида

ўзаро боғлиқлиги ва таъсири ҳис – туйғу ёрдами билан бошқарилиши, ақл – заковат омилларини талқин қилиш амалга оширилди. Шундан кейин миқдорнинг ва қўлланилган методикаларнинг ишончлилик, валидлик (кафолатланганлик) ва репрезентативлик даражаси аниқланди.

Тадқиқот тўрт босқичдан таркиб топган бўлиб, қуйида уларга батафсилароқ тўхталиб ўтамиз.

Биринчи босқич – тайёргарлик боқичи. Бунда эксперимент материаллари турли қўшимча воситалар ёрдамида ўрганилди, ҳамда амалий ва хусусиятли дастлабки маълумотлар тўпланади.

Биз олиб борган тадқиқотларимизда ўсмирларнинг интеллектуал тараққиёт жараёни кузатилди. Мазкур кузатишлар ҳар хил вазият (ҳолат)ларда ўтказилиб, қўшимча маълумотлар тўплаш учун хизмат қилди.

Тайёргарлик босқичи давомида экспериментатор синалувчилар билан тегишли алоқа ўрнатди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, экспериментаторда кейинги ўрганиш босқичида текшириб кўрилиши ва тасдиқланиши лозим бўлган психологик маълумотларнинг (омилларнинг) моҳияти ҳақида фаразлар (гипотезалар) вужудга кела бошлайди. Тадқиқотимизда ўз аксини топган ўсмир ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиёт даражаси миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам фарқ қилиши тўғрисидаги тахмин ана шундайлар қаторига киради.

Иккинчи босқич – эксперимент босқичи ҳисобланиб, тадқиқот учун танланган ҳар хил методикаларга тўла амал қилинди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи - тадқиқот жараёнида йиғилган маълумотларнинг сифат таҳлили талқини руёбга чиқарилди.

Тўртинчи босқич – олинган маълумотларни изоҳлаб бериш, уларни психологик назарияга асосланган ҳолда талқин қилиш ҳамда фаразнинг тўғри ёки нотўғрилиги узиш – кесил аниқлашни ўз ичига қамраб олди.

Кузатув, фаолият маҳсулини таҳлил этиш, суҳбатлар уюштириш, тажриба ўтказиш ва унинг математик методлар билан қайта ишлаш, муайян

хулосалар чиқариш ҳамда уларни етарли даражада изоҳлаб бериш – буларнинг барчаси тадқиқот ишининг таркибини ўзида ифодалайди. Тадқиқотларда психологиянинг объектив методларидан кенг қўламда фодаланиш, ҳар хил яққол методикаларни қўллаш ҳозирги замон изланишларининг юксак даражада ўтказилишига имконият яратади.

Биринчи боб бўйича қисқача хулоса.

Жаҳон психологияси фанида интеллектуал тараққиёт муаммосининг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган бир талай илмий тадқиқотлар ўтказилганким, то ҳозирги давргача уларнинг аҳамияти ўз қийматини йўқотган эмас. Изланишларнинг аҳамиятига биноан баъзи қирраларини умумлаштиришга ҳаракат қиламиз, чунки айнан шу ҳолатнинг таҳлили ишимизнинг долзарблигини очиб беради деган умиддамиз.

1. Интеллект муаммосини тушунтиришда қадимги Юнонистондан то XIX асргача икки хил ёндашув устуворлик қилиб келган: унинг биринчиси интеллектуал хусусиятлар одамга наслий йўл билан ота – она томонидан берилади, гуёки бола онасидан ақлли ёки ақли заиф бўлиб туғилади; иккинчи ёндашувда эса интеллект бола идрокининг тезлиги ва ташқи қўзғатувчиларга нисбатан муносабатига боғлаб тушунтирилган.

2. XIX асрнинг бошларида психология фанида интеллектни ўрганишга илмий ёндашув амалга оширила бошлади. Француз олимлари А. Бенэ ва Т. Симонларнинг интеллектни ўлчаш мезонини кашф қилишганликлари муҳим аҳамият касб этади. АҚШлик психологларнинг тадқиқотлари интеллект муаммосини янги бир босқичга олиб чиқишга замин ҳозирлади, (Спермен, Торндайк, Термен, Кэттелл, Фримен, Тёрустоун ва бошқалар). Француз психологларнинг изланишларида муайян янги кўрсаткичлар, оригинал концепциялар яратилди. (Ш. Бюлер, А. Валлон, Заззо ва ҳоказо). Айниқса

швейцариялик психолог Ж. Пиаже ўзига хос муаммал назария яратдиким, бу мазкур соҳада йирик йўналиш бўлиб хизмат қилди.

3. Рус психологиясининг интеллектуал тараққиёт масаласини ўрганиш ўзининг кенг қамровлилиги, моддий асослар мукаммалиги, амалий жиҳатдан татбиқийлиги билан фан тарихида алоҳида ўрин эгаллайди (Л. С. Виготский, С. Л. Рубинштейн, Н. А. Менчинская, П. П. Блонский, Б. М. Теплов, Е. Н. Кабанова – Меллер, П. Я. Гальперин, Н. С. Лейтес, Ф. С. Жўйков, З. И. Калмикова, А. М. Матюшкин, В. В. Давидов ва бошқалар). Рус психологлари томонидан қўлланилган мезонлар, тажриба материаллари ўзининг оригиналлиги билан ҳамда интеллект тараққиётини ўлчаш мезонларининг ранг – баранглиги билан психология ривожига муҳим хисса қўшади. Бу борада тафаккурнинг интеллект тизимида эгаллаган мавқеи ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

4. Фикран кўчиш ҳолати психологик муаммо сифатида АҚШ, Европа ва рус психологияси фанида кенг кўламда тадқиқ этилганлигини таъкидлаш ижтимоий – психологик воқеликдир. Кўчиш ўзининг тузилиши, туркумланиши, босқичлари, функциялари, механизмлари билан умумпсихологик ҳодиса бўлиши билан бирга, у интеллект тараққиётининг муҳим мезонидир. Билимлар, кўникмалар, фаолият таркибларининг янги вазиятга (шароитга) кўчиши, шунингдек унинг даражалари таълим жараёнидан ўзига хос функция бажаради ҳамда интеллектнинг процессуал жабҳаси, шахслик жиҳати сингари қўшстимул хусусиятига эгадир.

5. Мамалкатимиз психологлари ҳам интеллект муаммоси билан муайян даражада шуғулланганлар, чунончи, уларни икки даврга ажратиш мумкин: а) муаммога тарихий ёндашув ҳамда унда якка шахснинг ўрни, таълимдаги аҳамияти масалалари (Форобий, Беруний, Ибн Сино, Абдулла Авланий ва бошқалар томонидан) ўрганилган; б) масалага ҳозирги замон нуқтаи назаридан ёндашув, бунга интеллектни ривожланиш хусусиятлари, ёш давр хусусиятлари, мезонлари жиддий равишда (П. И. Иванов, М. Г Давлетшин,

М. Воҳидов, В. А. Токарева, Э. Ғ. Ғозиев, Б. Р. Қодиров, Ғ. Б. Шоумаров кабилар томонидан) тадқиқ этилганки, улар ўсмир ўқувчилар интеллекти моҳиятини белгилашда муайян даражада таъсир кўрсатади.

Иккинчи боб. Ўсмирларнинг интеллектуал тараққиётини экспериментал ўрганиш.

1. Ўсмирларнинг интеллектуал ривожланишининг диагностикаси.

Интеллектуал тараққиёт муаммоси бўйича олиб борилган изланишлар тарихи ва у доирадаги назарий ҳамда эмпирик материалларда ҳам масаланинг мураккаблиги ва ҳали тадқиқ этилиши мумкин бўлган ҳолатлари хусусидаги хулосага олиб келишини гувоҳи бўлдик.

Биз ҳам интеллектуал ривожланиш борасидаги изланишларимизни ўсмирлик ёши билан ўзаро боғлаганимиз боис ҳам унинг айрим қирралари тўғрисида ўз тадқиқотимизда тўхталиб ўтамиз.

Интеллектуал ривожланиш борасидаги илк изланишлар (А. Бинэ ва Т. Симон, Р. Б. Кэттел ва бошқалар) кўпроқ маълум этнопсихологик, регионал ва даврий характерга эга. Биз ўз тадқиқотимизда ҳам юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларни инобатга олган ҳолда маҳаллий шарт – шароит, этнопсихологик, жинс ва ижтимоий келиб чиқишига кўра, ўзбек мактабидаги ўсмирларнинг интеллектуал ривожланишини психологик таҳлилини амалга оширишни мўлжалладик.

Тадқиқот методи ва методикалари хусусида тўхталганимизда, ўсмирларни интеллектуал ривожланишни аниқлашга йўналтирилган ва маҳаллий шароитимизни ҳисобга олиб, модификация қилинган методикалардан фойдаланганимизни қайд этган эдик.

Биз ўсмирларни интеллектуал ривожланиш хусусиятларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларимизда инглиз психологи Д. Векслернинг (“Векслер батареяси”) ўзбек мухитига Э. Ғозиев томонидан мослаштирилган тестларидан фойдаландик.

Д. Векслер тест батареялари катта ёшдагилар, мактаб ўқувчилари ва мактабгача ёшдагилар учун мўлжалланган учта шкаладан иборат. Биз унинг иккинчи шкаласи, яъни мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган шкалани татбиқ этдик. Д. Векслер тест батареяларидан фойдаланиш шароитида тадқиқот объектининг хусусий ҳолатлар бўйича, яъни ёш, жинс, ҳудудий ва ижтимоий келиб чиқиш доирасида таҳлил этамиз. Қолган методикалар бўйича умумий ҳолни, яъни уларга хос ўсмирлик атамаси остида мулоҳаза юритамиз.

Д. Векслер методикаси хусусида тўхталадиган бўлсак, унда шкалада 11 та алоҳида тузилган субтестлар бўлиб, биз уларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда ўсмирларнинг интеллектуал ривожланиш хусусиятларини ёритишга эришдик.

Д. Векслер тести натижаларини умумий интеллект коэффиценти меъёрларига асосланган ҳолда умумлаштиришга эришдик (ўртача $IQ=100$; $g=15$). Тадқиқотимиз натижаларига мурожаат этадиган бўлсак, топшириқларнинг мураккаблиги ва топшириқларнинг ёш хусусиятларига кўра даражаси бўйича ҳам тафовутланди.

Д. Векслер тестига кўра, ўсмирларнинг IQ кўрсаткичи ёш нуқтаи назаридан тафовутланганди, чунки улар тест топшириқларининг (вербал ва новербал) ва 60,97 балл (ўғил болалар)га эга бўлди. 6 – синфларнинг натижалари 88,48 балл (қиз болалар) ва 77,61 балл (ўғил болалар) билан характерланди. Бу кўрсаткичлар ёш психологияси нуқтаи назаридан қиз болаларнинг интеллектуал ривожланишида қарама – қарши жинсдаги тенгдошларига қараганда тезроқ улғайишларининг натижаси сифатида қараш мумкин. Чунки, кичик мактаб ёшидаги ва ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар

орасида қиз болалар ўғил болаларга қараганда, таълим жараёнида ҳам, бошқа жамоатчилик ишларига фаолликларини намоён этишларини кундалик тажриба ва кузатишлар ҳам тасдиқлайди.

Энди юқори синфдаги ўсмирлар эса юқоридаги ўсмирларга қараганда, Д. Векслер тест батарияларидаги топшириқларни бажаришда анчагина юқори даражаларни намоён этдилар. Натижалар қуйидаги 2.1.1 – жадвалда келтириб ўтилган. Бунда 8 – синф ўқувчилари 117,47 балл (қизлар) ва 107,77 балл (ўғил болалар) кўрсаткичга эришдилар. Демак, ёш нуктаи назардан олганда 8 – 9 синфдаги ўсмирлар, 5 – 6 синфдаги ўсмирларга қараганда, интеллектуал ривожланишда анча юқори кўрсаткичга эга эканликларини кўрсата олдилар. Шунингдек, тест топшириқларини бажаришда ҳам улар тафаккурининг абстракт, мантикий, визуал турларини яхшироқ ўзлаштирганликларини, топшириқларни бажариш вақтига кўра эса топшириқлар бўйича тез қарор қабул қилиш, анализ ва синтез, таққослаш ва умумлаштириш операцияларини ёш жиҳатдан 5 – 6 синфдаги ўсмирларга қараганда, анча мукаммалроқ шаклланганлиги кузатилди. Демак, интеллектуал ривожланишда 5 – 6 синф билан 8 – 9 синфлар ўртасидаги тафовут анчагина, бу эса уларни таълим жараёнида тафаккурнинг қайсидир жиҳатларини ривожлантиришга зарурият туғдиради.

Д. Векслер методикаси кенг қамровли тадқиқот натижаларини таҳлил этишга йўналтирилган, аммо тадқиқотимизда эса ундан фақат ўсмирлардаги интеллектуал ривожланишнинг умумий диагностикаси учун фойдаландик.

Шунингдек, тадқиқот натижаларини яна бир томондан 2.1.2 – жадвалда эса ўсмирлар интеллектуал тараққиётининг ижтимоий келиб чиқиши жиҳатдан кўрсаткичлари келтириб ўтилган. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни келтириб ўтишимиз лозим.

Бизда Д. Векслер тест батарияларини қўллашдан олинган натижалар асосида ўсмирлар интеллектуал ривожланишини ўрганиш ва интеллектуал

ривожланишни меъёрлаштиришнинг лозим бўлган жиҳатлари сифатида куйидагиларни қайд этамиз:

1. Ўсмир интеллектуал ривожланишида ёш нуқтаи назардан тафовутланиш анча юқори.

2. Ўсмирлар интеллектуал ривожланишидаги жинсий тафовутланишлар орасидаги фарқларни ҳам анча енгиллаштириш лозим. Бунинг учун уларнинг тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш зарур бўлади.

2.1.1 – жадвал

Ўсмирларнинг жинс ва ёш жиҳатидан интеллектуал тараққиёт кўрсаткичлари

	Тошкент шаҳри						Сурхондарё вилояти						Қиз болалар			Ўғил болалар		
	Қиз болалар			Ўғил болалар			Қиз болалар			Ўғил болалар			Қиз болалар			Ўғил болалар		
5-синф	68,5	3,7	18,57	62,19	3,51	16,29	60,1	2,96	15,68	59,76	4,29	21,02	64,32	2,54	18,18	60,97	2,62	19
6-синф	74,05	4,62	24	76,15	9,21	41,17	102,9	3,51	18,25	79,06	6,04	26,59	88,49	3,31	24,34	77,61	5,56	35
8-синф	126	3,61	15,71	126,05	3,54	15,44	108,3	3,81	19,75	89,5	5,56	24,86	117,47	2,82	19,18	107,77	4,24	35
9-синф	114	4,72	21,12	79,75	8,21	32,86	104,9	5,1	26,5	111,7	6,81	24,55	109,57	3,95	24,65	95,74	5,31	28

2.1.2 – жадвал

Ўсмирларнинг ижтимоий келиб чиқишига кўра интеллектуал тараққиёт кўрсаткичлари

	Тошкент шаҳри						Сурхондарё вилояти					
	Зиёли			Ишчи-хизматчи			Зиёли			Ишчи-хизматчи		
5-синф	81	3,61	15,61	73,26	3,25	13,46	67,73	4,26	18,76	74,9	3,36	11,28
6-синф	102,34	3,22	14,07	82,09	2,46	8,39	100,12	2,83	9,22	85,22	3,17	12,51
8-синф	118,44	4,21	17,3	107,31	2,56	11,64	112,22	3,14	13,86	104,55	4,21	17,57
9-синф	121,06	3,75	16,43	113,16	4,63	21,28	126,33	2,08	7,61	121,14	3,52	13,9

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, умумий диогностик кўрсаткичлари (5 – синф зиёли ва ишчи – хизматчилар фарзандлари) бошқа синфларга (6 - , 8 - , 9 – синфларга) қараганда, нисбатан паст кўрсаткични намоён этдилар.

Ўсмирларнинг ижтимоий келиб чиқишига асосланган интеллектуал тараққиёт кўрсаткичлари деярли уларнинг жинс ва ёш хусусиятлариники сингари ҳолатни ифодалаган дейишимиз мумкин.

Бизнинг ўсмирлар интеллектуал тараққиётига бағишланган асосий ишларимиз кейинги босқич тадқиқотларимиз ва уларнинг шарҳида етарлича асосланилди. Бу хусусда кейинги саҳифаларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Тажриба ишлари таҳлили кейинги экспериментларда қатнашувчи ўқувчилар билан олиб борилди. Унда ҳар хил ўзлаштириш даражасига эга бўлган **80** нафар ўқувчи иштирок этди. Улар ўз навбатида 20 нафардан 4 гуруҳга ажратилди (6 та кучли, 7 та ўртача, 7 та бўш).

Тажрибалар ўтказилишидан асосий мақсад – ақлий фаолият усулларини эгаллаш учун зарур бўлган тушунчаларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини, қайси тушунчалар билан танишишга муваффақ бўлган ҳамда ўқув топшириқларини бажариш жараёнида англай олишга эга эканлигини текширишдир. Шунингдек, аниқловчи тажриба жараёнида улар ўзлаштирган тушунчалар бевосита мустаҳкамланади ва моҳиятига тузатишлар киритилади, лекин шунга қарамасдан, уларга “умумлаштириш усуллари” ҳақида илмий тушунчалар берилади. Ушбу мақсадни амалга оширишда география фанида ўқувчилар ўзлаштириши шарт бўлган билимлардан ва тушунчалардан фойдаланилди, чунончи, “бриз”, “муссон”, “ғарб шамоллари”, “иқлим”, “тоғлар”, “ёғингарчилик” кабилар.

Тажриба иштирокчилари дарсда ўтилмаган “пассат”, “изотерма” каби тушунчалар билан таништирилди. Тажриба давомида ёғин ўлчайдиган асбоб (осадкомер), тоғ тизмаларининг расмлари (карточкалари) намоиш қилинди, табиий ва иқлим хариталаридан фойдаланилди. Бундан ташқари, ўқувчиларга пассатларнинг ҳосил бўлиши ва ер шарининг ўрта кенглигида ҳукмронлик қилувчи ғарб шамолларининг схемаси кўрсатилди.

Тажрибада ўқувчиларнинг географик тушунчалари юзасидан хато жавоблари изчил равишда тузатилиб борилди. Уларга мавзуга оид қўшимча

саволлар берилди. Энди аниқловчи тажриба методикасини намоёиш қилувчи топшириқлардан айрим намуналар келтирамиз. Улар томонидан тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи қуйидаги саволлардан фойдаланилди, чунончи, “Шамолнинг қандай турлари ер юзида мавжуд?”, “Бризнинг ўзи нима ва қандай хусусиятларга эга?”, “Иқлимнинг ўзгариши қандай омилларга боғлиқ?”, “Ёғин нима ва уни қай тарзда ўлчаймиз?”, “Хариталарда тоғ тизмалари қандай рангларда тасвирланади?” ва ҳоказо.

Тажрибада тўртала гуруҳ ўқувчилари томонидан ўзлаштирилган тушунчалар бўйича атрофлича маълумот тўпланди. Уларнинг берган жавоблари тўғри (муҳим аломат билан) ва нотўғри (номуҳим аломатга биноан) шакллари ёрдами билан баҳоланди. Билимни баҳолашда муҳим белгилари очилган бўлса “5”, мабодо номуҳим аломатга асосланса “3” арифметик қиймат тизими қўлланилди.

Бир неча синалувчилар “Бриз нима?” деган саволга тўғри жавоб қайтариб, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб бердилар! “Тунда қуруқликдан денгизга, кундузи эса денгиздан қуруқликка эсувчи шамол бриз деб аталади”. Улар экспериментаторнинг қўшимча саволларига жавоб берганларида шамолнинг муҳим белгисини, яъни ҳаво массасининг юқори босим зонасидан қуйи босим зонасига қарата ҳаракатини ажратишга муваффақ бўлдилар. “Муссон нима?” деган савол берилганида кўпчилик ўсмир ўқувчилар фаол иштирок этиб, тушунчанинг муҳим аломатига кўра таърифлаб беришга эришдилар. “Ёз фаслида денгиздан қуруқликка, қиш фаслида эса қуруқликдан денгизга эсувчи шамол тури муссонлар” деб аталади. Шунга ўхшаш мантиқан пухта жавоблар миқдори етарлича эди.

“Кучли” ўқувчилар “бўш” ўзлаштирувчиларга нисбатан тўғри ва чуқур фикр юритиб, иштирок этдилар. Уларнинг “кучли” ва “бўш” тоифаларга ажратиш мана бундай ақлий камолотни (интеллектни) ўлчашга қодир мезонларга асосланиб амалга оширилди:

- 1) тушунчаларга тўғри (муҳим белгилари бўйича) жавоб бериш мазмуни, мантиғи, кўлами;
- 2) берилган жавобларнинг суръати, теранлиги, ишончлилиги;
- 3) тўхталиш, иккиланиш, ҳадиксираш, бошқа таъсир ўтказувчи объектларга мурожаат қилиш;
- 4) йўналтирувчи саволларга муҳтожлиги, мустақиллик даражаси;
- 5) синалувчиларнинг суҳбат чоғида муаммоларга нисбатан муносабати – уларнинг савияси эканлиги;
- 6) фанлараро алоқанинг аниқ пайқаганлиги ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш даражаси кабилар.

Агарда жавобларнинг чуқурлиги, ахборот бериш кўлами, тушунчалардан амалда фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, “қучли”лар ва “бўш” ўзлаштирувчиларнинг ҳам оралиқ гуруҳларга ажратиш мумкин. Чунки ҳар бир жавоб ортида ўсмир шахси яшириниб ётганлигини диққат марказидан асло чиқармаслик керак ва ана шундагина объектив маълумот олишга эришамиз.

Тажрибанинг навбатдаги босқичида “иқлим” тушунчасига тасниф бериб, уни изоҳлаш вазифаси иштирокчиларга топширилди. Ўқувчилар “Ёғин нима?”, “ҳаводан ва булутдан ерга қандай ёғин ёғади?”, “Ёғингарчилик миқдори қандай ўлчанади?” каби саволларга жавоб беришлари жоиз эди. Тажрибада тўпланган жавобларнинг кўпчиллиги қуйидаги шаклга, мазмунга эга: “Атмосфера қатлаמידан ер сатҳига барча сув томчилари ёғин дейилади”. Синалувчилар ҳар бир ёғин турининг тавсифига тўхталиб, қуйидагича фикр билдирадилар: “Қиров, шабнам, каби ёғин турлари ҳаво қатлаמידан тушадиган ёғинлар деб аталади”. “Атмосфера ёғинларининг асосий массаси булутлардан тушади. Ёмғир, қор, дўл булутлардан тушувчи ёғинлар дейилади”. Сўнгра улар ёғин миқдорининг қандай ҳолатда ўлчанишини изоҳлаб бердилар.

Дарсликнинг “Иқлим” бўлимидан қуйидаги саволлар уларнинг ҳукмига ҳавола қилинди: “Иқлим деб нимага айтилади?”, “Иқлим қандай омилларга боғлиқ?”. Экспериментда қатнашувчи аксарият ўқувчиларнинг жавоблари “Муайян жойда йилдан – йилга такрорланувчи об – ҳавонинг аниқ типлари иқлим дейилади”. Шунингдек, “Иқлим – бу об - ҳаво” ёки “Иқлим – бу қор, ёмғир ва бошқалар” каби қавоблар ҳам олинди. Нотўғри ва нотўлиқ жавоблар ўз вақтида тузатилиб, ўз навбатида тўлдириб борилди. Кўпчиллик ўқувчилар иқлимнинг географик кенгликка, океанларга яқинлигига, тоғ тизмаларининг жойлашувига, ҳукмрон шамолларга боғлиқлигидан иборат тўртта омилни рўй – рост таъкидладилар.

Кейин улар ҳали ўтилмаган “изотермалар”, “пассатлар” каби тушунчалар билан таништирилди.

Ўқувчилар билан ўзлаштирилган терминлар ва янги тушунчаларнинг англаш даражаси савол – жавоб тарзида мустаҳкамлангач, уларга умумлаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Бундан асосий мақсад улар топшириқни бажаришда қўллаётган умумлаштириш усуллари қанчалик англаш кўрсаткичини аниқлаш эди.

Ўқувчилар билан ўтказилган аниқловчи тажрибанинг таркибий қисми бўлган суҳбатдан аниқландики, улар таълим жараёнида нарса ва ҳодисаларни умумлаштирганлар, бироқ унга тўла муносабатда бўла олмаганлар. Чунки “умумлаштириш”, “усул” терминлари улар томонидан қарийб ишлатилмаган. Шу билан бирга умумлаштиришнинг усули қандай хатти – ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкинлигини тушуниб етмаганлар. Маълумки, мактаб амалиётида “умумлаштириш”, “усули терминлари жуда кам қўлланилади, бинобарин, ўқувчиларни умумлаштириш усуллари эгаллашга ўргатиш вазифаси ҳам оқилона ҳал қилинмаган.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитиш жараёнида “усул, “умумлаштириш” каби тушунчалар билан ўқувчиларни таништириш, уларни ҳар хил умумлаштириш усулларига ўргатиш зарурияти масаласи қонуний равишда

қўйилиши шарт. Ўқувчиларга ҳар бир усул қандай ақлий хатти – ҳаракатлардан иборат эканлигини таҳлил қилишга ўргатиш ва бу ҳаракатлар тизимини қандай кетма – кетликда бажариш юзасидан маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, аниқловчи тажрибаларнинг биринчи бўлими шуни кўрсатадики, умумлаштириш усуллари (ёппа ҳолда ўлаштиришда) ўқувчиларга муҳим географик қонуниятларни очиш имкониятини беради. Бевосита экспериментатор раҳбарлигида ақлий фаолият усуллари тизими билан таништириш, улар билан ҳар хил хусусиятли коммуникатив алоқа ўрнатиш айти муддаодир. Иккинчи бўлимда эса (бошқа ўқувчиларда) таркиб топтирувчи тажрибаларда фикр юритишнинг умумлаштириш усуллари ўзлаштириш жараёни билан уйғунлашган қатор тушунчалар ўқувчиларда текшириб кўрилди ва тушунчаларнинг таркибига баъзи бир тузатишлар киритилди.

Тажрибалар аввал индивидуал, кейинчалик эса гуруҳий тарзда ташкил қилинди. Бундан асосий мақсад интеллектнинг мураккаб тузилиши, унинг тажрибаларини ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқот предметига киритишдан иборатдир.

Учинчи боб. Интеллект билан тафаккур уйғунлиги.

1. Психологияда тафаккур тадқиқоти тўғрисида мулоҳазалар.

1. Жаҳон психологиясида муҳим ўрин эгаллаб келган ассоцианистларнинг таълимотига қараганда, тафаккур нутқ билан руҳнинг алоҳида бир йўсиндаги қобилияти ҳам эмас, махсус психик қобилият ҳам эмасдир – ёхуд у ҳам тасаввурларнинг ассоциациялар қонунига биноан ҳаракатларидан иборатдир. Уларнинг фикрича, ассоциатив жараёнларда аввал сезилган, идрок қилинган, тажрибаларда учраган нарсалар ва хотира маҳсуллари акс эттирилади, холос. Лекин ассоциатив жараёнларда янги

образларни ҳосил қилиш имкониятига эга бўлмаган репродуктив жараёндир. Тафаккур эса продуктив, маҳсулдор жараён ҳисобланиб, ҳиссий билиш органлари (аъзолари) ожизлик (заифлик) қилган объектив борлиқнинг мураккаб қонунлари, ички боғланишларини ўзида акс эттиради. Мазкур таълимотда асосий эътибор тасаввурларнинг намоён бўлиши, фаоллашуви билан боғлиқ жиҳатларга қаратилган. Уларнинг асосий қонуни ассоциациялар қанча кўп такрорланса, шунча пухта ишончлидир, деган тарзда ифодаланиб, улар ўхшашлик, ёндошлик, контраст (қарама - қаришилиқ), фазовий ва вақт жиҳатидан яқинлик, сабабийлик, ўзига хослик ассоциацияларига ажратилгандир.

Ассоцианистларнинг йирик намоёндаларидан бири Т. Циген тушунчаларни “ассоциацияларнинг тасаввури”, ҳукмларни “ассоциациялар тушунчаси”, хулоса чиқаришни эса “ассоциациялар ҳукми” деб атайди. Уларнинг мулоҳазаларича, фикр юритиш жараёнлари ҳеч қандай экспериментал тадқиқ қилинишга бўйсунмаслиги туфайли инсоният маданияти маҳсулларини ўрганиш орқалигина илмий изланишни амалга ошириш мумкин.

Гештальтпсихологиянинг намоёндаларидан бири бўлмиш В. Келер антопоедларнинг интеллектуал ҳаракатларини экспериментал ўрганиш натижасида юқори даражада тараққий қилган маймунларнинг ақлий ҳаракатида инсонларга ўхшашлик борлиги тўғрисида хулосага келади. Муаллиф маймун билан одамнинг фикр юритиш фаолиятидаги сифат жиҳатдан фарқларига камроқ эътибор қаратади, бунинг оқибатида мазкур ўхшашликка юқори баҳо бериб юборади. В. Келер интеллектуал ҳаракатни кутилмаган, олдинги фаолиятга боғлиқ эмас, деб тушунтириб, “синаш”ни тасодиқий актда учрайдиган ҳолат деб унга қарама – қариши қўяди. Унинг фикрича, топшириқни ечиш механизми қуйидагилардан иборатдир: а) организмнинг оптик майдонидаги вазиятларнинг муҳим унсурлари (таркиблари) билан яхлитликни, яъни гештальтни вужудга келтиради; б)

вазият таркибни гештальт ичига кириб, унда қайси жойни эгаллашга боғлиқ равишда янги аҳамият касб этади; в) вазиятнинг муҳим таркибларидан (унсурларидан) намоён бўлувчи гештальтлар муаммоли вазиятда организмда баъзи бир зўриқишлар таъсирида вужудга келади. Топшириқни ечиш муаммоли вазиятнинг жисмлари янги гештальтда, янги муносабатларда идрок қилина бошланганда тугалланади. Масалани ечиш яққол психик кадамларни, ҳаракатларни вужудга келтирувчи гештальт сифатида майдонга чиқади. Вюрцбург психология мактабининг намояндалари тафаккур – бу ички ҳаракатлар (актлар) деб қарайдилар, ўз – ўзини кузатиш методидан фойдаланиб тадқиқот ўтказадилар.

Вюрцбург психология мактабининг намояндаси О. Зельц масала ечиш жараёнини ўрганишда “умумийликка эга бўлган масала”ни вужудга келтириш босқичларига алоҳида эътибор қаратиб, элементлар билан жисмлар муносабатини ажратиб кўрсатади. Бунинг натижасида муаммоли вазият мажмуаси намоён бўлади. Ушбу вазифа ўз ичига қуйидаги жиҳатларни қамраб олиши назарда тутилади: а) маълумнинг хусусиятларини муайян бўлакларга ажратиш; б) қидирилувчи номаълумнинг ўрнини аниқлаш; в) номаълум қидирилувчи билан маълум ўртасидаги муносабатларни ажратиб кўрсатиш. Мужмуанинг тугалланишидан О. Зельц муаммоли вазият ҳукм суришини ва унинг моҳиятини аниқлайди. Тугалланмаганлик ҳолатининг мажмуа (комплекс) таркибий қисмларига ёки маълум, мавжуд мажмуа унсурлари муносабатларига алоқадор эканлигини таъкидлайди. Умумийликка эга бўлган масаланинг пайдо бўлиши алгоритмик тарздаги муаммони ечиш схемасини ҳосил қилишдан иборат бўлиб, қидирилувчи номаълумнинг мажмуада эгаллаган ўрни билан тавсифланади. О. Зельц антиципация (масала ечилишдан олдин унинг жавобини схематик шаклда онгда, фикрда тасаввур қилиниши ҳодисасини) атамасини психология фанига олиб кириб, номаълум қидирилувчи узлуксиз равишда антиципацияга берилади деб тушунтиради. Номаълум қидирилувчи билан маълум

маълумотлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ва унинг асосида кидирилувчи антиципацияни яратиш умумийликка эга бўлган топшириқнинг вужудга келиши билан якунланади.

О. Зельцнинг фикрича, мақсад қўя олиш умумий интеллектуал операцияларни фаоллаштириш сари етаклайди. Муаллиф асосий интеллектуал операциялар қаторига мажмуа таркибига қўшимча қилиш (киритиш), мавҳумлаш, ўхшашлик репродукцияси кабиларни киритади. Унингча, биринчи ақлий операция, яъни мужмуага қўшимча киритиш берилган нарса ва жисмлар тасвирини сўз орқали ифодалашни ўз ичига камраб олади. Иккинчи операция, яъни мавҳумлаштириш (абстракция) – предметларнинг хусусиятларини ҳар хил йўллар билан очиб бериш, мажмуа таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш каби функцияларни бажаради. Интеллектуал операцияларнинг учинчиси – бу **ўхшашлик репродукцияси** деб аталиб, берилган мажмуа ичидаги тушунчалар ва жисмларни аниқ ва муҳим аломатларга (ажратиш) вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, О. Зельц психология фанида биринчи бўлиб, тафаккур жараён сифатида экспериментал методлар ёрдами билан тадқиқ қилган, интеллектуал операциялар ва уларнинг таркибий қисмларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таърифлаб берган, изчил илмий методларга асосланган ҳолда ўрганган психолог бўлиб ҳисобланади. Унинг психология фанига қўшган ҳиссаси объектив баҳоланиб, оқилона талқин қилинди.

Бихеверист (АҚШ) Э. Торндайкнинг фикрича, инсон хулқи ҳайвонларникига ўхшаш реакциялар йиғиндиси орқали эмас, балки қўзғовчиларнинг бир гуруҳ тизими ёрдами билан ҳосил қилинади. Э. Торндайк организмнинг жавоб реакциялари йиғиндисини – хулқ, қўзғовчиларнинг мураккаб тизими вазият, яъни ташқи шарт – шароит эканлиги тушунтирилади. Худди шу боис, инсоннинг хулқи онг билан эмас, балки вужудга келган, фавқулоддаги вазият билан бошқарилади, деб талқин қилинади. Натижада инсон руҳий дунёси механик равишда реакциялар

йиғиндиси билан тенглаштириб қўйилади. Одамнинг хулқи ҳамиша муҳит билан қатъий мувозанатда бўлиши тўғрисидаги биевиоризмнинг қоидаси юқоридаги фикримизни тўла далиллайди. Ушбу оқимнинг намояндалари инсоннинг мураккаб руҳий дунёсини биологик, физиологик ҳаракат ҳамда ўзгаришларга тенглаштириб қўядилар.

Биевиорист Дж. Уотсон тафаккурнинг ички нутқ ва новербал (товушсиз, сўзсиз, имо – ишора, мимика, елка қисиш, қош сузиш кабилар) коммуникация (муомала ва мулоқот)ни бирга қўшиб, кенг маънода тушунади ҳамда уни учта шаклга ажратиб ўрганади. Шакллардан бири – бу нутқ малакаларини аста – секинлик билан жадаллаштириш (авж олдириш) деб аталиб, бунда шеърни ёки материални аниқ эсга тушуриш жараёни ўз аксини топади. Тафаккурнинг иккинчи шакли – бу субъект учун янги бўлмаган топшириқни сўз ёрдами билан ечиш (ярим - ёртиси унутилган шеърни эслаш ҳаракати) ва ниҳоят, янги топшириқни яққол ифодали ҳаракат ва сўз ёрдами билан ечиш. Дж. Уотсон учун малака – индивидуал эгалланган ва ўргатилган хатти – ҳаракатлардир. Ушбу назария нуктаи назардан қарасак, тафаккур малакаларга яқинлаштириб қўйилади, чунки шеърни эсга тушириш ҳам тафаккур деб талқин қилинади.

Дж. Уотсон ўз таълимотида тилни ўзлаштиришнинг ижтимоий жиҳатларини умуман ҳисобга олмайди, нутқнинг тузилиши ва ривожланишига сира эътибор қилмайди. Нутқ билан тафаккур бирлиги тўғрисидаги принципни англаб етмаган, тафаккур ва онгни хулқ кўриниши сифатида олиб қаралган.

Кейинчалик биевиоризмнинг когнитив назарияси вужудга келди. Биевиоризм формуласи бироз ўзгартирилиб ТОТЕ шаклда қўлланила бошланди. Хулқ когнитив назариясида тафаккур моҳиятини очишга хизмат қиладиган қатор тушунчалар ишлатила бошланди, чунончи “билишнинг режаси”, “билишга мойиллик”, “маънога нисбатан белгининг муносабати”, “аҳамият”, “мақсад”, “тайёргарлик”, “билиш структураси”, “кутилган

натижа”, “махсул” кабилар. Афсуски, бу назарияда тафаккур мустақил билиш жараёни сифатида ажратилмайди. Кўпроқ идрок феноменлари, хотира жараёни юзасидан маълумот олиш мумкин, холос. Таъкидлаб ўтилган тушунчаларнинг барчаси хулқ психологиясига тўла – тўқис бўйсундирилгандир.

Дж. Миллер, Ю. Галантер, К. Прибрам субъектив бихевиоризм назариясининг вакиллари сифатида ижод қила бошладилар. Улар ўз назарияларига “ТОТЕ” деб ном қўйганлар, агарда инглиз тилидан таржима қилиб қарасак, тест, операция, тест, эксперимент деган маъно англатади. Уларнинг нуқтаи назарига кўра хулқ ушбу тарзда намоён бўлади: тизимга (системага) таъсир қилиш – ўтган (тажрибада синалган) ҳолатларни ўзаро солиштириш. Агарда таъсир қилиш тажрибага мос тушса, у ҳолда солиштиришга боғлиқ равишда организмда махсус реакциялар амалга оширилади, мабодо ўтган тажрибага таъсир қилиш тушганда қидирув ёки ориентирлаш реакциялари вужудга келтирилади. Бирмунча қониқтирарли натижага эришилгандан сўнг охириги ҳаракат амалга оширилади.

Мазкур ғоянинг принциплари хулқ тузилишини янада ойдинлаштириш мақсадида “образ”, “план” тушунчаларини киритадилар. Образ – бу билимлар, ўтмиш тажрибалари, бавосита хулқ, план эса у ёки бу натижага эришиш йўлини аниқловчи кўрсатмалар. Улар тафаккурга оид топшириқларни ечишни систематик ва эвристик план асосида амалга оширилишини кўрсатиб берадилар. Систематик планда айна қидирув (изланув) фаолияти амалга оширилиб, барча объектларга таъсир қилиб чиқилади, эвристикда эса йиғиқ қидирув фаолиятига суяниб, объектларнинг айримларига ёки алоҳида аломатларига таъсир ўтказилади. Афсуски, “план”, “образ” билишнинг эмоционал – мотивацион жиҳатларидан тубдан ажратиб қўйилган, уларнинг пайдо бўлиши, келиб чиқишининг психологик хусусиятлари ёритилмай қолиб кетгандир. Ушбу назария тафаккур муаммосини ўрганишда маълум даражада ҳисса қўшган бўлса – да, бироқ

Ўзининг чекланганлиги ва натуралистик (организмнинг реакциялари) позицияси билан бихевиоризмга жуда яқин турганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ж. Пиажининг (швецария) интеллектуал назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, интеллект функциялари ҳамда интеллектнинг даврлари маълумотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функциялари қаторига уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш) киритилиб, улар унинг функционал инвариантлиги деб юритилади. Интеллектуал фаолиятнинг тартиблилиги деганда субъектнинг интеллектуал фаоллик кўрсатиш жараёнида яхлит ҳолатнинг ва унга қиравчи бошқа элементларнинг (унсурларнинг), шунингдек, уларнинг барчасининг ўзаро муносабатларини ажрата олиш тушунилади. Интеллектнинг адаптация функциясини англаш учун ассимиляция ва аккомодация жараёнларини назарда тутиш даркор. Ушбу назарияга биноан, ассимиляция деганда идрок қилиш мумкин бўлган объект тўғрисидаги хусусиятларни тиклаш англашилади. Аккомодация - билишга интилувчи субъектнинг моддий борлиқ талабларига мослашиш жараёнидир. Англаш мумкин бўлган объектнинг индивид томонидан яхлит ёки айрим хусусиятини идрок қилишнинг юз бериши билан мазкур жараён тугалланмайди, балки субъектда билиш фаолиятининг ортиб бориши натижасида унинг ўзи ҳам ўзгара боради.

Интеллект ҳукм суришининг муҳим жиҳатларини ёритишда Ж. Пиаже “схема” терменидан кўпинча фойдаланади. Унинг нуқтаи назарича схема – билишнинг структурасидан иборат бўлиб, бир – бирига ўхшаш хатти – ҳаракатлар кетма – кетлиги хусусияти билан бир гуруҳга бирлашиш ёки яхлитлик билан ўзаро пухта алоқани ифодалашдир.

Ж. Пиаже интеллект тараққиётининг ички қонуниятларини очиш мақсадида ассимиляция ва аккомодация “мувозанати” масаласини ўрганади. Ўзаро муносабатли мувозанатга келтириш гоҳ рационал, гоҳ иррационал

натижалар бериши кўрсатиб ўтилади. Уларнинг мувозанати таълим жараёнида кўтарилиши ёки пасайиши қайд қилинади.

Ж. Пиаже интеллект назариясининг иккинчи маълумоти “интеллект даврлари” деб юритилади. Муаллиф интеллектни қуйидаги ривожланиш палласига ажратади: 1) сенсомотор интеллекти (бола туғилганидан то 2 ёшгача), 2) операциядан олдинги тафаккур даври – 2 ёшдан то 11 ёшгача, 3) якқол операциялар даври (7 – 8 ёшдан то 11 – 12 ёшгача), 4) формал (расман) операциялар даври.

Унинг мулоҳазасича интеллектнинг ўсиши болада нутқ пайдо бўлишидан олдинроқ бошланади. Интеллектнинг куртаги (генезиси) боланинг дастлабки тартибона хатти – ҳаракатлар актини амалга ошириш натижасини таҳлил қилиш ёрдамида унинг вужудга келиши илдизини ўрганиш учун муҳим имкониятлар яратилади. Мазкур таълимотга қараганда, интеллект даврларининг ўзаро ўрин алмашилиши тафаккурнинг ўсишини билдиради, даврнинг изчиллиги эса ривожланишнинг ички қонуниятларини ифодалайди.

Шундай қилиб, Ж. Пиаженинг интеллект таълимоти психология фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда объект “клиник” метод қўлланилган, интеллект генезиси, унинг илдизи очиқ берилган, интеллектуал фаолиятда субъект (шахс)нинг ўзгариб бориши (унинг қонун ва қонуниятлари) эмперик ва назарий (методологик, феноменологик) материаллар, маълумотлар билан исботланган.

2. Тафаккур ривожи мезонлари ва омиллари

Психология фанида тафаккур даражаларини ўлчайдиган турли туман мезонлар мавжуд бўлса – да, биз ўз тадқиқотимизда уларнинг барчасини синтез қилган ҳолда фойдаланишга ҳаракат қилмадик. Чунки, ҳар қандай ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, келтириб чиқарувчи манбалари

мавжуддир. Ана шу генетик илдизни топиш мақсадида ноанъанавий йўл билан уларни ўлчашга интилдик.

Бунинг учун қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш билан бирга, шахсий мезонларимизни диққатга ҳавола қилдик:

1. Ўқувчилардаги сенсо – мотор ҳаракатлар ва уларнинг давомийлиги, маҳсул.
2. Ўқувчилардаги сенсор ҳолатлар, уларнинг кечиши, ривожланиши, такомиллашиши, маҳсулдорлиги.
3. Кўргазмали – ҳаракат тафаккур турининг ўқувчи психикасида эгаллаган ўрни.
4. Образли тафаккурнинг ўқувчилар фаолиятида тутган ўрни ва ўзига хослиги.
5. Мантиқий тафаккур, продуктивлик даражаси кўрсаткичлари ва уларнинг ўзига хослиги.
6. Фикр юритиш шакллари тушуниш ва улардан билиш фаолиятида фойдаланиш.
7. Ижодий тафаккур элементлари, уларнинг ҳамкорлик фаолиятида эгаллаган ўрни, вазни.
8. Фикрлашнинг сифатлари, улардаги доминантликка эга бўлган томони.
9. Барча тажриба – синовларда иштирок жараёнида топшириқларнинг ечимида қўшган ҳиссаси.
10. Топшириқ ечиш суръати, темпи, изчиллиги, мустақиллиги каби мезонлар тажриба якунлари учун ўлчов вазифасини ўтайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир мезонни тўлиқ аниқлаш имконияти йўқ эканлиги маълум бўлиб қолди. Чунки, вазият, фавқулоддалик, топшириқнинг моҳияти, уларнинг янгилик элементларини амалга оширишга тўла имкон бермайди. Шунга қарамасдан, биз тажрибаларда қўшимча резервлардан фойдаландик: қизиқиш сифати, барқарорлиги, ҳаракатнинг

мақсадга йўналганлиги, ўзлаштирилган билимлар, кўникмаларни янги шароитда фойдаланиш уқувчанлиги кабилар.

Тафаккур ривожининг ўзига хос хусусиятлари тажрибада намоён бўлди, уни ўлчашнинг имконияти, вазиятга боғлиқлиги ҳамкорлик учун катта аҳамият касб этиши тасдиқланди.

Тадқиқот олдига қўйилган фаразларнинг аксарияти тасдиқланди ва тўғри ижодий изланиш қилинганлиги исботланди ва кейинчалик уларга асосланиб тадқиқот ишлари олиб бориш мумкинлиги аниқланди. Тажрибаларда ўқувчилар ўртасида индивидуал – типологик, жинсий хусусиятлар бирмунча таъсирчан куч эканлиги намоён бўлди ва бошланғич синф ўқувчилар тавсиялар бериш имконини туғдирди.

Тажриалар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккурни муайян тизим асосида тезлаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, уларнинг фаоллигини кучайтириш мумкинлиги далилланди. Таълимий – тарбиявий таъсир ўтказиш жараёнида уларга индивидуал ва дифференциал муносабатни вужудга келтириш имкони шарҳлаб берилди.

Юқоридаги мунозара ва мулоҳазаларнинг моҳияти тафаккурнинг таълим жараёнидаги ўрнини оқилона баҳолашга, психологик тавсифлашга негиз ҳозирлайди.

Тажрибларда олинган натижалар тадқиқот олдига қўйилган фараз тўғри эканлигини тасдиқлади ва келгуси изланишлар учун истиқбол режаси мавжуд эканлиги аниқланди. Машғулотлар тафаккурнинг генетик илдизи бўйича янги маълумотлар тўплаш имконини яратди. Қўйилган вазифалар, қўлланилган методикалар, топшириқлар хусусияти ва типологияси адекват тарзда обдон ўйлаб иш тутилганлигини кўрсатди. Олинган материаллар ва уларнинг психологик сифат таҳлили тадқиқотнинг янгилиги ва шахсни жадал суръат билан шакллантириш, ўсишдан орқада қолишнинг олдини олиш муаммосини ҳал қилишда муҳим роль ўйнашлигини намоёниш қилди.

Маълумотларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон яратди.

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур ривожланишининг ўзига хос мезонлари мавжуд бўлиб, улар ҳар қандай вазият ва ҳолат учун бир текис хизмат қилиш имкониятига эгадир. Мазкур мезонлар тафаккурни ўсишнинг генетик илдизларини очишга ёрдам беради.

2. Ҳамкорликда муайян хусусиятга биноан классификациялаш машғулотини ўтказиш самарадорликни оширади ва уларнинг фаоллик даражасини кўтарди. Улардан фойдаланиш эса жамоадаги вазият, шахслараро муносабат, ҳамкорлик хусусиятларига боғлиқ равишда кечади.

3. Ўқувчиларга тафаккур операциялари, шакллари, сифатлари юзасидан тушунча бериш ҳамда улардан ҳамкорлик фаолиятида шакллантириш ушбу ривожланишга таъсир этувчи муҳим мотив ва ички қўзғатувчи вазифасини ўтайди.

4. Аввал жинсий тафовутга эга бўлган ҳамкорлик фаолияти ўқитувчининг, амалиётчи психологнинг муайян установадан кейин оммавийлашиб боради. Фаолият табақаланиш хусусиятини йўқотади ва ҳамкорликка айланади.

5. Фикрлашда орқада қолувчи ўқувчилар билан ҳамкорлик фаолиятида индивидуал муносабатда бўлиш уларнинг фаоллигини оширади, ижодий мулоҳаза юритишга замин ҳозирлайди. Бу фаоллик уларнинг сенсор ҳаракатларида, ҳис – туйғуларида яққол кўзга ташланади.

6. Ҳамкорлик фаолиятида уларнинг турларини алмаштириб бориш, қизиқиш даражасини диққат марказида тутиш, тафаккур маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади.

7. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни фикрлашга ундовчи топшириқлар миқдорини орттириб бориш ва унда иштирокчилар ҳолатини ҳисобга олиш тафаккур ривожига ижобий таъсир этади.

8. Тажрибада ўқувчиларнинг жинсий, индивидуал – типологик хусусиятини аниқлаган ҳолда тажриба – синов машғулотларини ўтказиш кўзлаган натижани қўлга киритишга имкон туғдиради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш учун тажриба тўпланган маълумотлардан унумли фойдаланиш инсон шахсини мақсадга мувофиқ таркиб топтириш режасини мукамал амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳамкорлик фаолияти турлари ва улардан фойдаланиш қоидалари, методикалари мактаб таълим тизимини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди. Машғулотларда уларнинг жинсий, этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи боб. Ўсмир ўқувчилар интеллектга таъсир этувчи омиллар.

1. Ўсмир ўқувчилар тўғрисида умумий тушунча.

Ҳозирги замон, яъни ХХІ аср ўсмирлари ўзларининг яқин замондошлари бўлган 15 – 20 йил илгари яшаган, ўқиган, ижтимоий фаолият кўрсатган тенгдошларидан жисмоний жиҳатдан бақувват, маънавий баркамол, интеллектуал тараққиёт мезони бўйича сезиларли даражада устун ёки устувордир. Бундай ижтимоий – психологик ҳодисанинг асосий манбаи фан ва техниканинг ўсганлиги, жамиятнинг барқарорлиги, оғир меҳнатнинг камайганлиги, сиёсий ахборот шохобчалари тармоғининг кенгайиши, моддий – маънавий қулайликларнинг мавжудлиги.

Ўқувчиларнинг кичик мактаб ёшидан катта мактаб ёшига ўтиши жисмоний, ахлоқий, маънавий, интеллектуал тараққиёти мазмуни билан

Ўқувчиларнинг турлича хусусиятлари ўртасидаги индивидуал фарқларни вужудга келтиради. Айниқса, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда катталиқ ҳиссининг вужудга келиши, кечиши, такомиллашиши ўз тенгқурлари билан катта ёшдаги одамлар билан алоқа қилиш мулоқот услубини ўзгартиради. Ушбу даврга келиб, уларда маънавият ва ахлоқ мазмуни кескин ўзгаради. Ижтимоий таъсир ўтказиш йўли, таъсирланиш, қизиқиш, билиш фаолияти, ижобий муносабат тубдан қайта қурилади.

Ўсмир шахсининг шаклланишида фаоллик муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий фаоллик таъсирида ўқувчилар билимларни ҳамда ўқув кўникма ва малакаларини ўзлаштира борадилар. Шунингдек, руҳий дунёсида туғилиб келаётган талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун шахслараро муносабатга киришадилар, муомала маромини эгаллай бошлайдилар.

Ўсмирларнинг ўзига тортувчи асосий нарса – бу катталиқнинг ташқи кўриниши ҳисобланади. Катталарнинг ташқи қиёфаси, юриш – туриши, айрим имтиёзли томонлари ўсмирда шу даврга тезроқ етиш учун интилишни юзага келтиради. Жумладан, модага қизиқиш, турмак қилиш, ўзига оро бериш, ўзгача “маданий” ҳордиқ чиқариш, мулозамат қилишга интилиш кабилар. Улар кўпинча талабаларга, кўча – кўйдаги катталарга, телевизор ва кинода кўрганларига, интерист маълумотларга тақлид қиладилар. Ўз тасаввурларида нимани оммабоп деб ҳисобласалар, худди шу нарсани намуна тарзида қабул қиладилар. Ўз – ўзини ва ўзгаларни баҳолаш мезони ана шу тариқа уларда юзага келади. Ўсмирларда қарама – қариши жинсга нисбатан қизиқиши, майли пайдо бўла бошлайди.

Ўсмирлар шахсининг ўсишида ўқув дастури материаллари, воқеа ва ҳодисаларни мустақил ўрганиш, ўз – ўзини тарбиялаш, касб танлашга интилиш фаолиятлари муҳим роль ўйнайди.

Таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда шахсининг муҳим фазилатларидан масъулият, жавобгарлик, байналминалчилик, ватанпарварлик, мустақиллик, жамоавий туйғу, ишонч, ижтимоий бурч

ҳислари вужудга келади. Шунингдек, мактаб жамоатларининг таъсирида уларда юксак инсоний хислатлар ва ҳар хил юриш – туриш ижтимоий малакалари таркиб топа бошлайди. Ўсмирда кишиларни баҳолаш турли – туман мезонлар асосида амалга ошади. Ўзгаларни ва ўз тенгқурларини баҳолашда ўртоқ ёки дўст сифатида уларнинг ақл – идрокига, ҳозиржавоблигига, билимдонлигига, жасурлигига, жамоат жойларида ўзини тута билишлигига эътибор қиладилар. Кўпинча баҳолаш фаолиятида улар баъзи бир хатоларга йўл қўядилар. Вазиятни муҳим томонларини очиб беришга кўп жиҳатдан қурби еимай қолади.

Балоғатга етиш даврида ўсмирларда янги ҳис – туйғулар, орзу – умидлар, қарама – қариши жинсга нисбатан мойиллик, ишқ ҳақида китоб ва кинофильмларга қизиқиш, катталар суҳбатига қулоқ солиш ҳолатлари кўзга ташланади. Бу рўй берган ижтимоий – психологик ўзгаришлар таълим – тарбия жараёнида бир қатор қийинчиликларни вужудга келтиради. Жумладан, катталар раъйига қарши туриш, уларга эътироз билдириш, тундлик ва ўжарлик қилиш каби салбий одатлар пайдо бўла бошлайди.

Ўсмирлик даврининг хавотирлик томонларидан бир – бу балоғатга етмаган ўсмирларни беқарор кишилар билан муносабатга киришишидир. Унинг хавфли томони беқарор характер хислатли кишиларнинг уларни енгил турмуш кечириш йўлига бошлайди, ўз шахсиятини кўзлаб яшашга ўргатади.

Балоғатга етиш даврида ўсмир “ҳақиқий эркак”, “жасур”, “довюрак” бўлиш орзуси билан тўлиб тошади. Бу ҳисларни у намоёни қилишга уринади. Жамоа, гуруҳ ўртасида ўзини кўрсатиш, спорт курашидаги жонбозлик ана шу хислатлар жумласидан ҳисобланади.

Ўсмирлар мактабда ва ундан ташқари пайтларда ажратилган вақт ҳукми асосида яшайдилар. Шунинг учун уларга бўш вақт муҳим аҳамиятга эга. Кимдир ундан оқилона ва унумли фойдаланади, ўз устида ишлашга сарфлайди, маънавий озуқа олади, спорт билан шуғулланади. Бўш вақтни тўғри уюштириш мураккаб фаолият ҳисобланади. Ана шу сабабга кўра, ота-

оналар, педагоглар жамоаси, маҳалла қўмитаси фаоллари, ишлаб чиқариш оталиқ ташкилотлари, мактабдан ташқари муассасалар ўсмир бўш вақтини ташкил қилишда ёрдам беришлари лозим. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўсмир олдида қўйиладиган талаблар ягона принципга эга бўлиши зарур.

Ўсмирлар томонидан ўзларининг бўш вақтини оқилона ташкил қила олмаслиги оқибатида ножўя хатти – ҳаракатлар, кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. У ҳамиша маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Бўш вақтни мақсадсиз, режасиз ўтказиш ўйин – кулгига берилишга, кўча – кўйда беҳуда юришга олиб келади.

Бўш вақтни пул билан ўтказиш балоғатга етмаган ўсмирни қонунбузарликка олиб келади. Улар “маданий ҳордиқ чиқариш”ни ўзи хоҳлаганларидай ўтказишга интилади. Катталик томон ўсиб ўтишнинг бундай кўриниши ёмон оқибатларга етаклаши мумкин. Шунинг учун ўсмирлик ёш даврида юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлардан қутулиш ёки унинг олдини олиш учун барча тадбир – чораларни оқилона қўллаш мақсадга мувофиқ.

Демак, ўсмирлар билан ишлашда уларнинг биологик ривожланишидан келиб чиққан жисмоний ўсиш ва жинсий етилишига бевосита боғлиқ руҳий дунёси хусусиятларини ҳисобга олиш, тарбиявий тадбирлар қўллашда яққол аниқ вазиятга аҳамият бериш, ўқувчилар шахсини илмий методлар ёрдамида ўрганиш, улар характерининг кучли ва заиф томонларини аниқлаб, индивидуал муносабатда бўлиш тарбиявий тадбирлар сифатини кўтаришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тарбияга комплекс ёндашишда кичик ўсмир (10 – 12) ва катта ўсмир (12 – 15 ёш) давларига алоҳида эътибор қилиш зарур. Тарбиявий тадбирларни амалга оширишда уларнинг билим савиясини, интеллектуал тараққиётини, маънавий – ахлоқий тарбияланганлигини ҳисобга олган ҳолда мулоқотга киришиш мақсадга мувофиқ.

2. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ЎСМИР ЎҚУВЧИЛАРИГА.

Халқимиз ўзининг руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, характери, миллий туйғуси билан бошқа миллат ва элатлардан фарқ қилади.

Миллий характер ўз ичига одамларга, меҳнатга, нарсаларга ва ўз – ўзига бўлган муносабатлардан иборат хусусиятлардан ташкил топган бўлади. Характер хислатлари оила, жамоатчилик, мактаб муҳити таъсирида шаклланади. Шунинг учун “сут билан кирган жон билан чиқади”, деган нақл мутлақо хатодир.

Ҳозирги замон руҳи, қайта қуриш режалари инсон камолоти учун интеллектуал тараққиёт эмас, балки ахлоқий баркамоллик асосий роль ўйнашини тақозо этмоқда. Ғайри – табиий хатти – ҳаракатлар юзага келмаслиги учун маънавият ва ахлоқ тарбия негизи бўлиб қолмоғи шарт. Халқ ҳис – туйғуси ва кечмишларининг уйғун бир маромдаги товушлар орқали ифодаланиши натижасида миллий кўй пайдо бўлади. Шунинг учун миллий санъат, расм – тасвир, меъморчилик ўзининг жилоси, мароми, гавдаланиши оҳанги ва оҳанглиги ва монандлиги билан бетакрордир. Ўзбек халқининг қомад тутиши, кийиниши, ибоси, имо – ишораси, юз ҳаракатлари, табассуми, ҳаёлот, таъзими, маросимлари, очик қалблиги ижтимоий – тарихий шароитлар маҳсули ҳисобланади.

Халқ ва элатлар маънавияти ва руҳиятини ёш авлодга сингдириш учун ишни оиладан ва мактабдан бошламоқ керак.

Ҳатто мактаб биноти миллий услубда, халқ меъморчилиги анъаналарига биноан қурилиши, миллий нақш ва ганч ўймакорлиги намунаси билан уйғунлаштирилиши, умуман миллий туйғу унда ҳокимлик қилиш лозим. Минг афсуски, ҳозирги замон мактаби биноларининг баъзилари миллий оҳанг, миллий пардоз ўрнига “чор девор” принципига асосланган руҳда қурилмоқда.

Мактабларда табиат ва жамиятга бағишланган кўргазмалар маҳаллий жиҳозлар, ашёлар асосида ташкил қилиниши, шиорлар, кўчирмалар аксарият ҳолларда миллий мақол ва маталлардан тузилмоғи мақсадга мувофиқ.

Таълим ва тарбия жараёнида ўлкамиз тарихи, маданияти, жаҳонгашта ҳамюртлар, фан арбоблари, мутафаккирлар, маърифтпарварлар тўғрисида маълумотлар бериб бориш ўқувчилар руҳияти ва маънавиятида ғурур ва фахрланиш туйғусини уйғотади. Ўқитишда ўзбек чистонларидан фойдаланиш ўқувчилар интеллектуал қобилиятини ривожлантиради, ақлни пешлаш машқлари вазифасини бажаради.

Ўқувчилар ўртасида миллий расталик, кийиниш маданияти, ворислик масъулияти, миллий таъб ва дидга мос маслаҳат ҳамда кўрсатмалар бериш, амалий ўқувлар билан қуроллантириш маънавиятимизни эгаллашда юқори самаралар беради. Чунончи, миллий кийимнинг иқлим шароитига мослиги, мавсумбоплиги юзасидан билдирилган фикрлар ўқувчиларда илиқ туйғу ва кечинмаларни ҳосил қилиши турган гап.

Одоблилик, катталарга ҳурмат, самимийлик, иноқлик, қадр – қиммат, туганмас виқор, ифбатлилик, виждонлилик, ўзаро ёрдам ҳислатлари ўзбекларнинг маънавияти рамзи саналади. Миллий туйғудаги туғишганларига нисбатан муносабат, қон – қардошлик ришталари ҳам миллий руҳияти ва маънавиятини акс эттиради. Буларнинг барчаси халқнинг бой маданияти, тили, адабиёти, обидаларида ўз ифодасини топади.

Кўп асрлик синовларга бардош берган қадриятимизни ёшларга, ўқувчиларга ўргатиш, улардан омилкорлик билан эҳтиёткорона турмушда фойдаланишимиз зарур. Ўқувчилар ўртасидаги мулоқот, муомала, миллий характер, миллий туйғу, миллий хулқ – атвор тарзига асосланиб амалга оширилса, синф жамоасида ҳамжиҳатлик, иноқлик, аҳиллик, илиқ психологик муҳит ҳукм суради. Энг муҳими – бу миллий психологик туйғуни байналминал ҳис билан уйғунлаштириш тарбия самарадорлигини оширади ва ўз навбатида миллатлараро дўстликни мустаҳкамлайди.

Ўзбек халқининг ажойиб миллий анъаналари авлоддан – авлодга ўтиб, демократик фуқаровий жамиятда янгича мазмун ва маъно касб этмоқда. Кексаларни, хотин – қизларни иззат – ҳурмат қилиш, фарзандларга меҳр – муҳаббат туйғуларини ифода этувчи анъаналар халқимиз ҳаётида узоқ замонлардан бери давом этиб келмоқда. Халқимизнинг “меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан” деган ибораси ҳар қандай шароитда ҳам меҳмонни самимий, беминнат кутиб олишни англатади. Одамларнинг бир – бирига меҳр – оқибати оқилона муносабати, ҳис – туйғуси, мулоқоти, илтифоти, эҳтироми халқимизнинг ички гўзаллигини, бой маънавий ва руҳий қиёфасини ифодалайди. Пок қалбли, софдил, диёнатли, виждонли, иродали халқимизнинг олийжаноблиги унинг танишига ҳам, бегонага ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзишдан намоён бўлади. Ушбу гуманизм мамлакатимиз ўқувчиларидан ғамхўрлик, самимийлик ва талабчанлик уйғунлигини тақозо этади.

Халқимизда “Дўстлик барча бойликлардан афзал”, “Қаторингда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди” деган мақолларида дўстлик жамоавий ҳис – туйғуси ўз ифодасини топган.

Кишиларнинг ўзаро самимий саломлашуви миллий урф – одатимизнинг ибратли кўриниши ҳисобланади. Саломлашиш - бу ҳурмат – эҳтиром, дўстликка ундовчи ришта, танишиш истаги, хоҳиш – истакларни акс эттирувчи қалб садосидир.

Халқ ҳикматларида таърифланишига қараганда, кек сақламайдиган одамнинг руҳи тоза, фикри равон, орзуси порлоқ, нияти холис, мақсади пок, кўнгли мусаффо, дили очик, тили ширин бўлар эмиш. Бинобарин, салом – алик халқ орасида муомала, мулоқот, ишора, ифода, моҳият муносабатини сақлайдиган сеҳрли калитдир.

Шу боисдан ҳам халқимизнинг миллий руҳиятидаги намунали урф – одатлар, хулқ – атворлар, анъаналар, удумлар, маросимлар, расм – русумлар

келажак авлодга, ўқувчиларга обида, тортиқ сифатида қолдирилиши, инсоний бурч, халққа садоқатдир.

Миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизнинг тенги йўқ нодир жиҳатларини турли ёшдаги мактаб ўқувчилари, шу жумладан, ўсмирлар онгига сингдириш учун оила ва мактаб ҳамкорлигида фаолиятни ташкил қилиш ва тартибли равишда уни турмуш тажрибасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида ҳар томонлама тараққий этган йигит – қизларни камол топтирамиз. Мактабларда миллий руҳият ва маънавиятга эътибор қанчалик кучайтирилса, шахслараро илиқ муносабатлар шунчалик фаол жонлантирилади.

3. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТГА ТАЪСИРИ.

Оила аъзолари ўртасидаги турмуш муносабатлари турли – туман бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, “тенг ҳуқуқлилиқ” (демократив), нуфузли, мурасасозлик, қоришиқ, нонормал қабилар.

Оила муносабатларининг “тенг ҳуқуқлилиқ” тоифаси – оила аъзоларига, айниқса, мактаб ёшидагиларга у ёки бу тарзда хулқ – атворни амалга оширишда, бирон – бир ишни режалашда катта эрк беради. Шунинг учун улар майда – чўйда, бачкана кўрсатмалардан қатъий вақт билан белгилаш ҳолатларида ҳориж бўладилар. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари ҳар бир шахсни иззатлаш, ҳурмат қилиш принципи асосига қурилган бўлиб, ўзаро оқилона талабчанлик, қатъийлик руҳи билан суғорилади. Оила бошлиғи ҳисобланган ота – оналарнинг асосий диққат – эътибори миллий маънавият ва ахлоқ нормалари талабидан келиб чиққан ҳолда ўз фарзандларида ижобий характер хислатларини замон руҳига мос шахс фазилатларини шакллантиришга қаратилади. Мазкур типдаги оила аъзолари даврасидаги суҳбатлар, мунозаралар, мулоҳазалар ўзаро тенглик, ўзаро ҳурмат руҳига бўйсундирилади. Оила муносабатларининг ушбу кўринишида

турли ёшдаги ўғил – қизларга мақсадга йўналтирилган тарбиявий – педагогик таъсир ўтказиш имкони мавжуддир. Ҳар бир оила ўзининг инсонга микротаъсир ўтказиш тизими хусусияти билан ажралиб туради. Ундай оилада шахслараро муносабатга таъсир ўтказиш сеҳри яширинган ҳолда бўлади. Шу боисдан тасодифан воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши турлича баҳоланади ва уларга бевосита алоқадор оила аъзолари турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ё рағбатлантирилади, ё жазоланади. Мана бундай одилona амалга оширилган мулоқот таъсирида ўғил – қизларда дўстлик, дилкашлик, хушмуомалалик, шахсий хатти – ҳаракатида ва мулоҳаза юритишида мустақиллик шахсий қарашлари сақланган ҳолда янги меъёр, мезон ва талабларга мослашиш, ўз фаолияти учун жавобгарлик, эмоционал зўриқиш даврида ўз – ўзини қўлга олишлик каби муҳим фазилатлар пайдо бўлади.

Оила муносабатларининг яна бир тури “нуфузли” деб аталиб, бунда ота – онанинг обрўси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлилиқ, эркин хатти – ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Оила аъзоларининг юриш – туриши, хатти – ҳаракати кўпинча чекланиб қўйилади. Ота – она томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи жазолаш ҳисобланади. Бироқ онда – сонда рағбатлантириш методидан фойдаланилганда ҳам у фарзандга маънавий озуқа бермайди. Фарзандларда ота – онага яқинлик, меҳр ҳисси камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқлашиш, “бегоналашиш” кечинмаларига айланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар уларни қониктирмайди, натижада одамови, ичимдан топ, дамдузлик, ташвишлик, хавотирлик, ижтимоий меъёр ва қоидаларга қийинчилик билан мослашишдан иборат характер хислатлари вужудга келади. Шу сабабдан оила аъзолари руҳий дунёсида симпатия (ёқтириш), эмпатия (ҳамдардлик), самимийлик, ҳайрихоҳлик каби юксак инсоний ҳис – туйғулар жуда нурсиз ифодаланади. Кўр – кўрона ва сўзсиз бўйсунушга

асосланган муносабат негизида ётган тарбиявий таъсир кўрқоқ ва иродаси кучсиз шахсни таркиб топтиради.

Оиладаги турмуш муносабатларининг аралаш ёки қоришиқ тоифасида бола шахсини шакллантиришнинг муайян педагогик тизими мавжуд эмас. Оила аъзолари ўртасида бўладиган муносабатлар аксарият ҳолларда ўғит – насихат, ахлоқий суҳбат, йўл – йўриқ кўрсатиш билан боғланиб кетади.

Бундай ота – онанинг фарзандлари билан мулоқоти эркдан ва ботиниб фикр юритишдан анча узоқ бўлганлиги сабабли, юмор ҳиссига бефарқлик, ўз – ўзини қўлга ололмаслик, масъулиятсизлик, танглик (асаб тизимида), зўриқиш ҳолатини ҳис қилмаслик, етарли даражада шахслараро алоқа ўрната олмаслик сингари характер хислатларини таркиб топтиради.

Адолатли ва инсонпарвар жамиятимизда кам учрайдиган, нонорамал (анормал) муносабатга эга бўлган оилалар ҳам мавжуддир. Бундай тоифага ажралиш даражасига етиб борган, фарзанд оилавий низо манбаи деб тушунувчи, “бола” баҳонаси туфайли қил устида турган, ичувчи – алкоголь ёки наркоман, гиёҳванд оилалар киради. Оиладаги нонорамал ҳолатлар осойишта яшаш, тинч ижод қилиш, ҳордиқ чиқариш, фарзандларга муайян ўқиш учун энг зарур имкониятлар яратишга қодир эмас.

Оиладаги турмуш муносабати ичида муросасозлик тоифаси ҳам кўзга ташланиб туради. Оила даврасидаги муносабатлар замирида муросасоз, кўнгилчан, иродасиз бўлишлик ташқи кўринишдан илиқ психологик муҳитни ўзида акс эттиргандай бўлиб туюлади. Чунки улар орасидаги барча муносабатлар ўта силлиқ, қаришиликларсиз, жанжал – бақирқисиз кўчаётгандай таассурот қолдиради. Аслида эса мутлақо унинг аксини кўриш мумкин. Агарда муросасозлик “муроса – ю, мадора” қабилида кечиримлилики билдириб келса, у ҳолда юқоридаги фикрларимизни тасдиқлаган бўлади. Афсуски, муросасозлик оиладаги ҳар қандай вазиятни тил топиб ҳал қилишга, принцип ва принципиалликдан узоқлашишга, субутсизликка олиб келади. Ота – оналарнинг фарзандлари билан бундай

муносабатда бўлишлари уларни салбий оқибат сари етаклайди, бунинг оқибатида қатъийлик, мустақиллик, дадиллик сингри иродавий сифатлар ўғил – қизларининг руҳий дунёсидан узоқлашади. Мурасасозлик таъсирида ёш авлод характерида мунофиқлик, иккиюзламачилик, келишувчанлик каби иллатлар таркиб топиши мумкин.

Оиладаги муносабатлар таъсирида илк болаликдан тортиб миллий ғояга содиқлик, садоқат, она юртга ватанпарварлик, социалистик гуманизм, шахсий қизиқишнинг бўйсундириш хислати, қатъийлик, кадр – қиммат ҳисси каби инсоний ҳислар шакллана бошлайди. Аста – секин туғишганларга ғамхўрлик, ака – укалик, опа – сингиллик меҳри, ота – оналарга нисбатан муҳаббат ва шафқат каби теранлик туйғулари намоён бўла боради.

Агарда оиладаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизига қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзоларининг руҳий дунёсида кеккайишлик, писмиқлик, жамоатчилик маъқуллаган нарсаларни ва кўпчилик томонидан қабул қилинган хатти – ҳаракат қондларини сезмаслик, ялқовлик, масъулиятсизлик, мунофиқлик, аямаслик, шухратпараслик, мағрурлик, ўзини катта олиш, димоғдорлик сингари иллатлар шакллана бошлайди.

Ана шунинг учун оила аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатнинг оқилона, омилкорлик услубларига риоя қилинган ҳолда ташкил этиш - келажак авлоднинг ҳар томонлама тараққий қилган юксак интеллектуал даражага кўтариш имкониятини яратади. Бунда, албатта фарзандларнинг ёш даврлари ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахслараро муносабатларни олиб боришлик назарда тутилади.

4. КОММУНИКАТИВ ФАОЛИЯТ ВА ИНТЕЛЛЕКТ.

Муомала коммуникатив фаолият сифатида психологик баҳоланганида, коммуникатив технологияга эса фаолиятли ёндашув татбиқ қилинганида, энг аввало ижтимоий қарашлар, шахсий нуқтаи назарларни баҳолаш тизимини

такомиллаштириш ва уни бошқариш жараёнларининг умумпсихологик талқини назарда тутилади. Мазкур ижтимоий - психологик ҳолат коммуникатив шаклларнинг урта кўринишида ўз ифодасини топади:

- 1) монологик (муомаланинг бошқа иштирокчилари фикрини эшитишга қараганда, суҳбатнинг ташкилотчиси – субъектнинг ўз фикрини билдириш, коммуникатив хатти – ҳаракатларининг устуворлигида ўтади);
- 2) диалогик (ўзаро таъсир ўтказишнинг субъектлари бир – бирларига ташаббускор, ўта фаол, юқори даражада ўзаро таъсиркор);
- 3) полилогик (кўпқиррали, кўпёқлама муомала жараёни ёки фаолияти ҳисобланиб, коммуникатив ташаббусни эгаллаш учун ўзига хос маънавий – психологик курашиш хусусиятига эга бўлиб, кўпинча уни имконият даражада самарали амалга оширишга интилиш ҳолати билан алоқадордир).

Муомалани фаолият сифатида тасаввур қилиш, у муайян содда хатти – ҳаракатлар тизимидан иборат эканлигини билдиради ва қуйидагиларда бевосита намоён бўлади:

- муомаланинг субъекти – ташаббускори;
- ташаббус йўналтирилган субъект;
- муомала ташкиллашувининг меъёрлари;
- муомала қатнашчиларининг индивидуал кўзда тутадиган мақсадлари;
- ўзаро таъсир (интеракция) амалга ошадиган вазият ва ҳоказо.

Муомаланинг ҳар бир ҳаракати (акти), ўзаро алоқадор, бир – бирини тақозо этувчанлик, коммуникатив хатти – ҳаракатлари занжири тариқасида тасаввур қилиниши мумкин, чунончи:

- 1) муомала субъектининг коммуникатив вазиятга кириши;
- 2) муомала субъекти томонидан коммуникатив хусусиятларни баҳоланиши (ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган, мақбул ёки номақбул);
- 3) коммуникатив вазиятга йўналганлик;

- 4) ўзаро таъсир кўрсатиш (интеракция) имкониятини вужудга келтириш учун бошқа субъектни мулоқот қилиш учун танлаш;
- 5) муомала вазиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда коммуникатив топшириқларни фикран белгилаш;
- 6) ўзаро бир – бирига таъсир кўрсатиш субъектларига нисбатан ёндашувни ишлаб чиқиш;
- 7) ўзаро бир – бирига таъсир кўрсатиш субъекти – шеригининг ниятига мослашиш;
- 8) шерик – субъект диққатини “субъект - ташаббускор” томонидан жалб этиш;
- 9) шерик – субъектнинг эмоционал – психологик ҳолатини баҳолаш ва уни ўзаро таъсир кўрсатишга киришиш учун тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- 10) шерик – субъектнинг эмоционал – психологик ҳолатига “субъект - ташаббускор” ўзини ўзи тайёрлаши;
- 11) муомала субъектлари эмоционал – психологик ҳолатларини ўзаро тенглаштириши, улар учун умумий эмоционал – ҳиссий кўринишни, ҳолатни шакллантириши;
- 12) “шерик – субъект”га “ташаббускор - субъект” томонидан коммуникатив таъсир ўтказиши;
- 13) “шерик – субъект” реакцияси “ташаббускор - субъект” томонидан баҳоланиши;
- 14) “шерик – субъект”нинг фикрий жавобини рағбатлантириш;
- 15) Муомаладош “шерик – субъект”нинг фикран билдирган жавоби.

Муомала хатти – ҳаракатнинг мажмуаси юқоридаги ўн бешта моддадан ташкил топади. Шундай қилиб, муомала акти вужудга келиши учун ташаббус мутлақо заруриятдир. Шунинг учун муомала субъекти агарда ўзига мазкур ташаббусни олса, биз уни “субъект - ташаббускор”, деб номлаймиз, шу ташаббусни қабул қилувчи бошқа қатнашчини “шерик - субъект” деб атаймиз.

Муомала ижтимоий субъектларни ўзаро таъсир кўрсатиш жараёни сифатида назарий – методологик нуқтаи назаридан қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади;

- ижтимоий статусдан, мавқеидан қатъий назар ижтимоий субъектларнинг психологик позицияларининг тенглиги;
- бир – бирининг фаол коммуникатив ролини бир хилда тан олиш;
- бир – бирини руҳан қувватлаб туриш имкониятининг мавжудлиги.

Шахс – субъект ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш (интеракция) тизими билан шахслараро муомалага киришар экан, у ўзининг маълум маънода дахлсизлигини, автономлигини (мухторлигини) сақлаб қолади ва ўзининг коммуникатив ҳаракатларини ва ўзини ўзи бошқаришни уддалай олади.

5. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА ЎСМИР ИНТЕЛЛЕКТИ

Ўқув фаолиятини бошқаришда муаммони яхлит таҳлил қилиш усули муҳим аҳамият касб этади, уни қуйидаги йўл билан шакллантириш мумкин. Ўқувчиларга мана бунга ўхшаш мисолларни бажариш вазифаси топширилиши жоиз. Масалан, “ўқувчилар, Ўзбекистондаги рангли металлларнинг жойлашган ўрни (худуди), уларнинг таркиби, хусусиятлари, хоссалари ва халқ хўжалигидаги роли тўғрисида гапириб беринг”. Бу топшириқни ечиш пайтида ўқувчилар унинг ҳамма томонларини яхлит таҳлил қилади, хусусиятлари тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритади, жараён якуни юзасидан ҳукм ҳамда хулосалар чиқаради. Жумладан, бу фойдали қазилмаларнинг жуғрофий жойлашган ўрни, физик хусусиятлари, кимёвий хоссалари ва таркиби, уларнинг ўзлаштирилиши, халқ хўжалиги тармоқларида ишлатилиши, иқтисодиёт тараққиётидаги роли ва жаҳонда Ўзбекистон мавқеини кўтаришдаги аҳамияти тўғрисида мукамал, ёйиқ тарзда гапириб берадилар.

Бу психологик усулдан умумий биология, адабиёт, тарих, математика ва бошқа ўқув фанларидаги қонуниятлар, ички боғланишлар, мураккаб муносабатлар, сабабий боғлиқлик, теоремалар моҳиятини яхлит таҳлил қилиш, изоҳлаш жаранида фойдаланиш мумкин. Яхлит таҳлил қилиш усули қуйидаги интеллектуал амаллардан ташкил топади:

- қўйилган муаммони фикран бўлакларга ажратиб, сўнг таҳлил қилиш;
- мулоҳаза юритиш учун қўйилган муаммони яхлит ҳолда тушуниб етиш;
- вазифани ечиш, ҳал этиш учун интеллектуал воситалар ва усулларни кидириш;
- топган ақлий воситаларни саралаш ва зарур бўлган услубларни танлаб олиш;
- топшириқни ечиш учун назарий ва амалий воситаларни қўллаш;
- топшириқ ечимини танқидий нуқтаи назардан қайтадан текшириб чиқиш;
- топшириқ ечими тўғрисида мантикий хулосага келиш.

Ўқувчилар ўқув материалларини яхлит таҳлил қилиш усули ёрдамида ўзлаштирсалар, олган билимлари пухта, сермазмун, тартибли ва умумпсихологик омилларга асосланган бўлади. Ўқиш ва билиш фаолиятларини бошқаришнинг ривожланишига қўлланилган интеллектуал усуллар, услублар ўсмир ўқувчиларда онгли муносабат ва мантикий, ижодий фикрлаш доирасини янада кенгайтиради. Уларга моддий борлиқ сирларини ҳар томонлама англаб олишда асосий манба сифатида хизмат қилади, нарса ва ҳодисаларнинг ички муносабатлари, боғланишлари, қонуниятлари ҳамда механизмларини мустақил равишда тушуниш, англаш учун имконият туғдиради. Бу интеллектуал усул ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиш, воқеликни исботлаш, асослаш, муҳокама қилиш сингари ўқув фаолиятининг фаоллигини оширади. Топшириқни яхлит таҳлил қилиш усулининг асосий хусусиятлари мустақиллик, фаоллик ва кенг доирада фикр юритишдан иборат бўлиб, ўсмир ўқувчиларни ўзини ўзи бошқариш сари етаклайди.

Ўқув фаолиятини бошқаришда воқеликни баҳолаш усули муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у кейинчалик ўзини ўзи баҳолаш даражасига ўсиб ўтиши мумкин. Тажрибада қатнашган мактаб ўқувчилари асар қаҳрамонларига турлича баҳо беришлари намоён бўлди, бунинг асосий сабаби уларнинг индивидуал хусусиятлари, шахсий қарашларининг турли – туманлигидир. Бу хусусий ҳолни далиллаш мақсадида мисолга мурожаат қиламиз: “Гулнорнинг инсоний хислатларининг ҳаммасини жуда ёқтираман, аммо иродасизлик қилиб Мирзакаримбойга турмушга чиқишини эса сира кечира олмайман. Агар Йўлчини чиндан севганида эди, у бу ишни қилмаган бўларди. Ота – онага ҳурмат ва муҳаббат, албатта, булиши керак, лекин соф севги ҳамма нарсадан улуғ ва мўътабар бўлиши лозим. Муҳаббат катта “М” ҳарфи билан ёзилмоғи шарт. Унга ҳеч кимнинг, ҳатто маликанинг ҳам бевафолик қилишга ҳаққи йўқ, чунки у оламда муқаддасдир... шу муқаддас туйғуни оёқ ости қилиш – Гулнорда учрайди...”, - дейди интеллектуал етук киз Робия. Бунга ўхшаш мисолларни ўрта мактаб ўқувчилари билан олиб борган тажрибалардан кўплаб келтириш мумкин.

Бизнинг шахсий тажрибаларимиз ва мактаб таълим тизимининг кўп йиллик тажрибаларидан шу нарсалар маълум бўлдики, ўсмир ёшдаги ўқувчилар муайян образни, яхлит асарни ёки муаллиф фаолиятини баҳолаш жараёнида ҳамма вақт ҳам ўз шахсий фикрини, қарашини ва индивидуал муносабатини қандай бўлса, ҳудди шундайлигича қўллайвермас эканлар. Тажрибаларда иштирок этган ўқувчиларнинг бир қисми ўз шахсий фикрларини нима учун аниқ ифода этмаганликларини қуйидагича исботлайдилар: “...агар мен ўз фикримни, муносабатларимни ўз билганимча ёзганимда эди, у ҳолда Сизнинг (ўқитувчининг) менга қўймоқчи бўлган баҳойингиз, ҳозирги қўйилган баҳодан бир – икки балл паст бўлар эди, менга шундай бўлишидан кўрқдим. Чунки менинг шахсий фикримга қариши эканлигингизни биламан – ку!” деб жавоб қайтардилар.

Келтирилган парчадан шу нарсa маълум бўлдики, мазкур мулоҳазаларнинг субъектлари бўлмиш баъзи бир ўрта мактаб ўқувчиларида баҳолашнинг етарли даражада тараққий этмаганлигидан далолат бериб турибди. Юқоридаги омилдан шундай хулосага келиш мумкинки, бу ёшдаги ўсмир ўқувчиларда ўз фикрига содиқлик, ўз сўзида катъий тура олишнинг иродавий сифатлари ҳали шаклланиб бўлмаган, бинобарин, уларда мустаҳкам “позиция”си ҳанузгача мавжуд деган хулосага келиш мумкин эмас. Ўқувчиларда учрайдиган иккиланиш ҳолатлари, бизнингча, икки хил сабаб билан изоҳланиши мумкин: улардан бири психологик воқелик, ижтимоий ҳодиса, эмоционал ҳолат моҳиятини тўғри баҳолай олмаслик бўлса, иккинчиси – бу ўқув фаолиятини бошқаришнинг интеллектуал усуллари билан етарли даражада таниш эмасликдир.

Ўқув фаолиятини ўқувчилар томонидан бошқаришнинг омилкор усуллари қаторига реферат тузиш, материалларни муайян равишда режалаштириш, ижодий фаолият маҳсулини таҳлил қилиш киради. Уларнинг ҳар қайсисига кенг қўламда тушунча беришни кейинги ишларимизда амалга оширамыз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.

Мундарижа

Кириш

Биринчи боб. Интеллект тараққиётининг назарий – методологик асослари.

1. Узоқ хориж мамлакатлари психологиясида интеллектнинг ўрганилиши.
2. Интеллектнинг рус психологлари томонидан тадқиқ қилиниши.
3. Фикрий кўчиш психологик муаммо сифатида.

4. Мамлакатимиз психологларининг тадқиқотларида интеллектуал тараққиёт масаласи.

5. Ўсмир интеллектини тадқиқ этишнинг босқичлари ва методлари.

Иккинчи боб. Ўсмирларнинг интеллектуал тараққиётини экспериментал ўрганиш.

Учинчи боб. Интеллект билан тафаккур уйғунлиги.

1. Психологияда тафаккур тадқиқоти тўғрисида мулоҳазалар.

2. Тафаккур ривож мезонлари ва омиллари.

Тўртинчи боб. Ўсмир ўқувчилар интеллектга таъсир этувчи омиллар.

1. Ўсмир тўғрисида умумий тушунча.

2. Миллий маънавиятимиз ўсмир ўқувчиларига...

3. Оилавий муносабатларнинг интеллектга таъсири.

4. Коммуникатив фаолият ва интеллект.

5. Ўзини ўзи бошқариш ва ўсмир интеллекти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.